

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК:

Азизуллаев Мирзо Улуғбек Ойбек ўғли

**ЕНГИЛ САНОАТ ТАРМОҒИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ
ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ (“Mega Line Textile” МЧЖ мисолида)**

5A230201 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар

и.ф.н., доц. Юсупова Д.Т.

Тошкент – 2019

АННОТАЦИЯ

Магистрлик диссертацияси ишида инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг назарий-услубий асослари, инвестиция лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усуллари тадқиқ этилган. Енгил саноат тармоғининг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни, Республикамиз енгил саноатида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ҳолати ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширишда мавжуд ресурслардан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинган. “Mega Line Textile” МЧЖда инвестиция лойиҳаларини бошқаришни такомиллаштириш йўллари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

ANNOTATION

In the dissertation the theoretical foundations of investment project management, the methods of evaluating the effectiveness of the invest projects were studied. The role of the textile industry in the economy of Uzbekistan, the current situation of the investment projects in our republic and utilization of the resources in localiration was examined. Practical recommendations on improving the investment project management in “Mega Line Textile” Ltd were given.

Магистрлик диссертация иши «_____»
“Менежмент” кафедрасида дастлабки химоядан ўтган.

_____ - сонли баённома «___» _____ 2019й.

Кафедра мудири _____

(и.ш.ф.)

имзо сана

Илмий раҳбар:

_____ (илмий раҳбар и.ш.ф.)

_____ имзо сана

Такризчи:

_____ (такризчи и.ш.ф.)

_____ имзо сана

Магистрант:

_____ (магистрант и.ш.ф.)

_____ имзо сана

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
I БОБ.	ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1.	Инвестицияларнинг турлари, тузилиши ва инвестиция сиёсатининг моҳияти.....	7
1.2.	Ўзбекистон иқтисодига инвестициялар киритиш аҳамияти.....	16
1.3.	Инвестиция лойиҳалари ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари.....	33
	I боб бўйича хулоса.....	44
II БОБ.	ЕНГИЛ САНОАТ ТАРМОҒИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	46
2.1.	Енгил саноат тармоғининг Ўзбекистон иқтисодиётида туган ўрни.....	46
2.2.	Республикамиз енгил саноатида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ҳолатининг таҳлили.....	58
2.3.	Маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширишда мавжуд ресурслардан фойдаланиш ҳолати.....	69
	II боб бўйича хулоса.....	75
III БОБ.	“MEGA LINE TEXTILE” МЧЖ ДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	77
3.1.	Маҳаллийлаштириш асосида инвестиция лойиҳаларини такомиллаштириш.....	77
3.2.	Минтақаларда енгил саноатга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг самарали муҳитини шакллантириш.....	84
	III боб бўйича хулоса.....	90
	ХУЛОСА.....	91
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	95
	ИЛОВАЛАР.....	101

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги: Ҳозирги кунда Ўзбекистон тўқимачилик саноатида юзага келган вазиятни анчагина мураккаб ва муаммоли вазият деб тавсифлаш мумкин. Тўқимачилик саноати корхоналарида самарадорликнинг пастлиги бир қатор омилларга, жумладан маҳсулот сифатининг ва меҳнат унумдорлигининг пастлиги, эскирган асбоб ускуналар ва технологиялардан фойдаланиш, корхоналар фаолиятида аниқ белгиланган ривожланиш стратегиясининг йўқлиги, тўқимачилик маҳсулотларининг миллий ва хорижий бозорлардаги конъюктурани етарли даражада ўрганилмаганлиги каби омилларга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида” 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3437-сон Қарорида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида бошқаришнинг ва ишлаб чиқаришнинг янги услубларини жорий этиб, рақобатбардошли тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг экспортини кенгайтириш бўйича бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди[2.15].

Иқтисодиётга маҳаллийлаштириш лойиҳалари асосида инвестицияларни жалб этиш муҳим ижтимоий иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради, яъни бўш турган ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишга эришиш, маҳаллий хом ашёдан импортни ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашади. Бу эса ўз навбатида, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун биринчи навбатда, улар учун қулай муҳит, кафолат ва рағбатлантирувчи иқтисодий омиллар кучайтирилишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам, қулай инвестицион иқлим шаклланмасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялаша олмайди. Шу

боис, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги роли ва салоҳияти унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади, ҳамда хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишнинг оқилона йўллари танлаш Ўзбекистон учун энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам танланган мавзу долзарб ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг объекти ва предмети. Ўзбекистон енгил саноатида маҳаллийлаштириш лойиҳалари асосида амалга оширилаётган инвестицион жараёнлар, хусусан “Mega Line Textile” МЧЖда инвестиция лойиҳаларини бошқариш жараёни тадқиқот **объектидир**. Енгил саноатда маҳаллийлаштириш шароитида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар, инвестицияларни жалб қилиш шакл ва усуллари мажмуи тадқиқот **предмети** бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Мамлакатимиз енгил саноати иқтисодий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашга имкон берадиган маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича илмий-услубий ёндашувлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш тадқиқотнинг **мақсади**дир.

Магистрлик диссертациясининг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги асосий **вазифалар** белгиланди:

инвестицияларнинг турлари, тузилиши ва инвестиция сиёсатининг моҳиятини очиқ бериш;

Ўзбекистон иқтисодига инвестициялар киритиш аҳамиятини асослаш;
инвестиция лойиҳалари ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш
усулларини тадқиқ этиш;

енгил саноат тармоғининг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрнини асослаш;

Республикамиз енгил саноатида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ҳолатини таҳлил қилиш;

маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширишда мавжуд ресурслардан фойдаланиш ҳолатини тадқиқ этиш;

маҳаллийлаштириш асосида инвестиция лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

минтақаларда энгил саноатга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг самарали муҳитини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги. Мамлакатимиз энгил саноатини ривожлантиришда маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг асосий жиҳатлари асослаб берилиб, маҳаллийлаштириш асосида инвестиция лойиҳаларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича амалий таклифларнинг ишлаб чиқилганлиги.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш, энгил саноат тармоғида инвестиция лойиҳаларини бошқариш ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда “Mega Line Textile” МЧЖда инвестиция лойиҳаларини бошқаришни такомиллаштириш йўллари бўйича илмий асосланган амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқотнинг асосий масалалари ҳисобланади. Илмий фаразлари эса, мамлакатимизнинг энгил саноатини ривожланишида маҳаллийлаштириш лойиҳалари самарадорлигини оширишдир.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Замонавий шароитларда инновацион инвестициялар самарадорлигини ошириш муаммоларини тадқиқ этиш борасидаги масалаларга кўплаб миллий ва хорижий муаллифларнинг изланишлари натижаси бўлган илмий ишлар бағишлангандир. Улар орасида М.В.Алфимов, Г.А.Андрожук, Ю.П.Анисимов, В.С.Бард, Ф.Ф.Бездудный, Дж.Бейли, Л.Дж.Гитман, М.Д.Джонк, Н.В.Игошин, В.В.Коссов, Д.И.Кокурина, Л.Крушвиц, Б.Крутик, Е.Г.Никольская, Ф.С.Тумусов, Ф.Фабоцци, П.Фишер, У.Шарп ва бошқалардир. Ўзбекистонлик олимлардан А.Ҳикматов, Ш.Орифхонов, Шепелев, М.Маҳкамова, Н.Маҳмудов, И.Тўхлиев, Б.Абдуллаев, А.Тошпулатов, Х.Садритдинова, Гайибназарова З.Т., К.Т. Ҳамзаевларнинг амалга оширган ишлари айниқса диққатга сазовордир.

Шуни қайд этиш лозимки, енгил саноатда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши ҳамда унинг тармоқ корхоналарида инновацион - инвестицион жараёнлар самарадорлигини таъминлашга таъсири муаммоларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш борасидаги махсус изланишлар етарли эмас. Шу боисдан ҳам биз, ушбу масалаларни ечишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Тадқиқотда қўлланиладиган методиканинг тавсифи. Тадқиқотда қўлланиладиган методиканинг асосини ҳукуратимиз томонидан енгил саноатда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар ва хорижий ҳамда Ўзбекистон олимларининг инвестицион жараёнларни бошқариш ва ривожлантириш муаммоларига қаратилган илмий тадқиқот ишлари ташқил этади.

“Ўзтўқимачилик” уюшмаси, шунингдек “Mega Line Textile” МЧЖ маълумотлари ҳамда муаллифнинг ушбу маълумотлар асосида олиб борган ҳисоблари ва таҳлил кўрсаткичларидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий-амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган илмий тавсифлар, хулоса ва таклифлар мамлакатимиз енгил саноатида маҳаллийлаштириш лойиҳаларини чуқур таҳлил этиш ҳамда уларнинг рақобатбардошлилигини оширишга таъсир кўрсатишни аниқлашга ёрдам беради. Тадқиқот материаллари олий ўқув юртларида иқтисодий фанларни ўқитишда, шунингдек, иқтисодий муаммоларни ўрганиш борасидаги илмий тадқиқот ишларида ҳам қўлланилиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация иши кириш, мазмунан ўзаро боғланган учта боб, хулоса, 76 та фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1- БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Инвестицияларнинг турлари, тузилиши ва ва инвестиция сиёсатининг МОҲИЯТИ

Ҳар қандай корхона ўз фаолиятини бошлаши, кенгайтириши ва янгилashi учун инвестицияларга зарурат сезади. Инвестициялар корхоналарни ривожлантириш, ҳамда мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бош омилларидан ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам инвестиция фаолиятига кўпроқ эътиборни корхона ва фирмалар қаратади.

Инвестициялар деганда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турган қувватларни сақлаб туриш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш, фойда олиш ҳамда (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий каби) бошқа якуний натижалар олиш мақсадида турли дастурлар ёки алоҳида тадбир (лойиҳа)ларга сарфланадиган маблағ тушунилади. Инвестициялар ўз ичига фойда (даромад) олиш ва ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларига сарфланган пул маблағлари, шунингдек, мақсадли банк омонатлари, пайлар, акциялар, бошқа қимматбаҳо қоғозлар, технологиялар, машина ва ускуналар, лицензиялар (шу жумладан, товар белгилари), кредитлар, ҳар қандай бошқа мулк ва мулк ҳуқуқларини ҳамда интеллектуал бойликларни олади[4.4].

Демак, инвестиция тушунчаси «Инвестиция фаолияти туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида таъриф берилганидек, иқтисодий ёки бошқа фаолият объектига сарф қилинадиган моддий ва номоддий неъматлар ва уларни тасарруф қилиш ҳуқуқини ифодалайди. Молиявий моҳиятига кўра инвестициялар даромад олиш мақсадида хўжалик фаолиятига сарфланадиган барча турдаги активлардир (воситалардир)[1.1].

Иқтисодий моҳиятига кўра, инвестициялар асосий ва айланма капитални яратиш, кенгайтириш ёки реконструкция қилиш ва қайта қуроллантириш учун қилинадиган ҳаражатлардир.

Тижорат амалиётида инвестицияларнинг қуйидаги уч шакли ўзаро фарқланади:

- ❖ физик активларга қилинган инвестициялар;
- ❖ пул активларига қилинган инвестициялар;
- ❖ номоддий активларга қилинган инвестициялар.

Физик активлар деганда асосий ишлаб чиқариш воситалари, яъни ишлаб чиқариш бинolari ва иншоотлари ҳамда хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган ҳар қандай машина ва ускуналар тушунилади.

Пул активлари деганда бошқа жисмоний ва юридик шахслардан пул маблағларини олиш ҳуқуқи, масалан, банкдаги депозитлар, акциялар, облигациялар ва бошқалар англанади.

Номоддий активлар ходимларни қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, лицензиялар сотиб олиш, савдо белгиларини ишлаб чиқариш натижасида фирма эга бўладиган бойликлардир.

Қимматли қоғозларга қилинадиган инвестициялар «портфель инвестициялар», физик активларга қилинадиган инвестициялар эса реал инвестициялар, деб аталади.

Инвестицияларнинг ҳар икки тури ҳам корхоналар барқарор ишлаши учун муҳим аҳамиятга эга. Портфелли инвестициялар муаммолари молиявий менежмент соҳасида чуқур ўрганилишини таъкидлаган ҳолда бу уқув қўлланмамизда биз кўпроқ реал активларга қилинадиган инвестицияларга тўхталамиз.

Инвестициялар, шунингдек, манбаларига кўра, ички ва ташқи инвестицияларга бўлинади. Ички инвестициялар манбалари давлат бюджети, корхоналар ва аҳоли маблағлари, банк кредитлари ҳамда нобюджет жамғармалари маблағлари, ташқи инвестициялар манбалари бўлиб хорижий давлатлар ва фирмаларнинг, шунингдек, халқаро молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобланади[4.4].

Бир давлатдан бошқа давлатга даромад олиш учун йўналтирилган ҳар қандай шаклдаги мулкни тўла қонли хорижий инвестиция дейишимиз мумкин. Аммо шундай мулк шакллари борки, биз уларни хорижий инвестиция дея олмаймиз. Масалан, элчихона чет давлат мулки ҳисобланади, ёки хорижий фуқаро шахсий уй сотиб олса, бу хорижий шахс мулки ҳисобланади, лекин хорижий инвестиция була олмайди.

Ҳалқаро инвестициялар – жаҳон мамлакатлари ўртасида ҳаракатда бўлган инвестициялардир. Инвестицияларни хорижга чиқариш, уларнинг мамлакатлар ўртасидаги фаол ҳаракати замонавий жаҳон ҳўжалиги ва ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг ажралиб турувчи хусусиятларига айланди. Инвестицияларни четга чиқариш жаҳон ҳўжалигидаги товарларни четга чиқариш монополиясини тугатди. Ҳозирги вақтда ҳалқаро инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 30%дан ошади. Бу кўрсаткич жаҳон савдоси ўсиши суръатларидан деярли 5 маротаба ортиқдир. Ҳалқаро инвестициялар ўзида моддий бойлик барпо этиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш, пул ва товар шаклларида жамғарилган захираларни мужассамлаштиради. Ушбу инвестициялар доимий равишда мамлакат ичида бир тармоқдан бошқасига, ҳамда давлатлараро ҳаракатда бўлади.

Компаниялар ва жисмоний шахслар инвестиция жараёнининг иштирокчиларидир. Улар инвестиция жараёнида ҳам талаб томонида ҳам таклиф томонида иштирок этишлари мумкин.

Хорижий инвестицияларнинг ички инвестициялардан фарқи шундаки, уларда инвестор бошқа мамлакат фуқароси булади. Иқтисодий мазмунига кура хорижий инвестициялар ссуда капитали (яъни қарз ва кредит), ҳамда бевосита ва портфель инвестицияларга бўлинади. Инвестициялар нимага йўналтирилганлиги улар қайси хорижий инвестиция турига киришини белгилайди[4.7].

Хорижий инвестициялар қўшма корхоналарда ўз ҳиссаси билан қатнашиб, хорижий инвесторларга тўлик тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда қатнашиш, хорижий шериклар билан банк

тузиш, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиши, ер ва бошка табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб боришлари мумкин. Мақсадига кўра, хорижий инвестициялар бевосита ва портфель инвестицияларга бўлинади[4.7].

Бевосита инвестициялар – бу капитални тўғридан-тўғри экспорти бўлиб, инвестиция киритувчига шу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Бунда корхона асосий компаниянинг хориждаги шахобчасига айланади. Бевосита хорижий инвестиция (БХИ) лар асосан хусусий тадбиркорлик капитали шаклида бўлади.

Ҳалқаро статистикада инвестицияларни БХИлар турига киритиш бўйича ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Хорижий инвесторлар томонидан назорат қилиш ҳуқуқини белгилловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акционерлик капиталининг ҳиссаси кўрсаткичидан фойдаланилади. Бу кўрсаткич АҚШда 10%, Франция ва Буюк Британияда 20% га яқин, Германияда 25%дан 50% гача, Ўзбекистонда эса 49% даражасида белгиланган. Шунингдек, шу корхонанинг бошқарувида бевосита амалга оширилаётган инвестицияларнинг узок муддатли эканлиги ҳам унинг муҳим белгиларидан биридир. Инвестициянинг бу кўриниши таваккалчиликни, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги учун маъсулиятни давлат ва аҳоли зиммасига юкламасдан, балки уларни тадбиркорлик тизимлари ўртасида тақсимлашнинг энг яхши ва синалган усули ҳисобланади[4.7].

БХИ борасидаги яна бир ёндашув бу турдаги инвестицияларни фақат мулкчилик кўлами билан, яъни акционерлик капиталидаги улуши билан боғлиқ, деб кўрсатади. Унга мувофиқ БХИларни:

- а) хорижда акцияларни сотиб олиш орқали;
- б) фойдани қайта инвестициялаш ёрдамида;
- в) фирма ички қарзлари ва қарздорликлари орқали амалга ошириш мумкин.

Кўпчилик иқтисодчилар бу шакллар етарли эмас, деб ҳисоблашади ва асосли равишда турли хил ноакционер шакллар орқали бу рўйхатни давом эттиришади (субконтрактлар, бошқарув келишувлари, франчайзинг,

лицензион келишувлар ва бошқалар).

БХИларнинг шакл ва усулларига боғлиқ тушунчалар билан боғлиқ турли хил ёндашувларнинг кўпайиши қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Бу муаммолар умумбашарий характерга эга бўлиб, ностандарт ёндашувлар ечимини талаб этади.

Бевосита инвестициялар икки гуруҳга бўлинади:

1. Трансконтинентал капитал куйилмалар.
2. Трансмиллий куйилмалар.

Трансконтинентал капитал кўйилмалар - инвестиция киритиш учун қулай бозор шароити бўлган ҳолда бошқа бир давлат ёки континентдан инвестиция экспортини амалга оширишдир. Асосий мақсад – бозорни эгаллаш ва шу континентда янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш[4.11]. Трансмиллий капитал кўйилмалари асосан қўшни давлатларга амалга оширилади. Бундан асосий мақсад – бош компанияга нисбатан қилинадиган капиталнинг ҳаракатини минимум даражада амалга ошириш.

Бевосита инвестициялар икки мақсадга йуналтирилади:

1. Янги компания ташкил этиш.
2. Банкрот бўлган компанияларни харид қилиш.

Портфель инвестициялар (portfolio investments) - шундай инвестицияларки, бунда капитални даромад олиш мақсадида корхоналарнинг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозларини сотиб олиш учун сарфланади. Бундай инвестициялар корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолияти устидан назорат ўрнатиш ҳуқуқини бермайди. Хорижий портфель инвестициялар барча ҳалқаро операцияларни амалга оширишда фирмалар учун муҳим аҳамиятга эга. Бу турдаги инвестицияларга асосан молиявий муаммоларни ечиш учун мурожаат қилинади. Корпорацияларнинг молиявий бўлимлари маблағларнинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга қисқа муддатли инвестициялардан юқори фойда олиш учун ўтказадилар. Бундай инвестициялар кўпинча хусусий тадбиркорлар капиталига асосланган,

баъзида эса ўз қимматбаҳо қоғозларини чиқаради ва хорижий қимматбаҳо қоғозларини сотиб олади.

Ҳалқаро портфель инвестициялари мамлакат тўлов балансида қандай классификацияланган бўлса, шундай акс этирилади. Портфель инвестициялар қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

- *акционер қимматбаҳо қоғозлари* (equity securities) - бозор муомаласидаги пул ҳужжати бўлиб, ҳужжат эгасининг ушбу ҳужжатни чиқарган шахсга нисбатан мулкӣ ҳуқуқга эгалигини тасдиқлайди;
- *заём қимматбаҳо қоғозлар* (debt securities) - бозор муомаласидаги пул ҳужжати бўлиб, заём эгасининг ушбу ҳужжатни чиқарган шахсга нисбатан муносабатини тасдиқлайди[4.11].

Заём қимматбаҳо қоғозлари қуйидаги шаклларда чиқарилади:

- *облигация* (bond) (оддий вексель, қарз мажбурияти) пулли дастак бўлиб, унинг соҳибига кафолатланган ва қатъий белгиланган пул даромади ёки шартнома асосида белгиланган ўзгарувчан пул даромадини олиш ҳуқуқини беради;
- *пул бозори дастаклари* - пулли дастак бўлиб, унинг соҳибига маълум бир давр ичида кафолатланган ва қатъий белгиланган пул даромади олиш ҳуқуқини беради. Бу дастаклар бозорда пасайтирилган нархларда сотилади, нархни пасайтириш даражаси фоиз ставкасининг катта-кичиклигига ва қарзни қопланиш муддатига боғлиқдир. Буларга ғазна векселлари, депозит сертификатлари ва бошқалар киради.
- *молиявий дериватлар* (financial derivatives) – бозор нархига эга бўлган пулли дастак бўлиб, унинг соҳибига бирламчи қимматбаҳо қоғозларни сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқини беради. Буларга опционлар, фьючерслар, варрантлар, своплар киради.

Ҳалқаро портфель инвестициялари ҳаракатини ҳисобга олиш мақсадида тўлов балансида қуйидаги категориялар қабул қилинган:

- *Нота* (қарз мажбурияти) (note) - қисқа муддатли (3-6 ой) пулли дастак бўлиб, банк билан келишув асосида қарз олувчининг ўз номига

чиқарилади, бозорда жойлаштирилиши кафолатланади ва сотилмаган ноталар сотиб олинади, резерв кредитлар билан таъминланади. Кенг тарқалган ноталар – Евроноталардир.

- *Опцион* (option)- шартнома (қимматбаҳо қоғоз) бўлиб, харидорга маълум бир қимматбаҳо қоғоз ёки товарни белгиланган муддатдан сўнг ёки маълум бир давр ичида қатъий белгиланган нархларда сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини беради. Опцион харидори унинг эгасига юқорида кайд этилган ҳуқуқларни сотиши эвазига мукофот пулини тўлайди.
- *Варрант* (warrant) – опционнинг бир тури бўлиб, эгасига белгиланган муддат ичида эмитентдан имтиёзли шароитда маълум бир миқдордаги акцияларни сотиб олиш имконини беради.
- *Фьючерс* (futures) – қимматбаҳо қоғозларни, валюта ёки товарларни белгиланган нарх ва келажакдаги белгиланган муддатда сотиш ёки сотиб олиш борасидаги бажарилиши мажбур бўлган қисқа муддатли стандарт шартномалардир.
- *Форвард курси* (forward rate)- асосий қарз суммасининг маълум бир ўзгармас қисмига нисбатан белгиланган вақтда тўланадиган фоиз ставкасининг ҳажми тўғрисида келишув бўлиб, у ўша кундаги фоиз ставкасидан паст ёки юқори бўлиши мумкин.
 - *Своп* (swap) – савдо қоидаларига амал қилган ҳолда битта қарзни тўлаш бўйича маълум бир муддат ўтгандан сўнг шартларни ўзгартириш бўйича битимдир[4.13].
 - Портфель инвестициясининг бевосита инвестициялардан афзаллик томони шундаки, улар тугатилиш вақтида қимматбаҳо қоғозлар тезда нақд валютага алмаштириб олиниши мумкин. Портфель инвестицияларнинг амалга оширилишининг асосий сабаби – таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда хорижий инвестор ўз маблағларини хорижда максимал фойда келтирувчи қимматбаҳо қоғозларга жойлаштириши мумкин. Маълум бир маънода портфель инвестицияси пулни инфляция ва спекуляция йули билан фойда кўришдан

сақлаш воситаси сифатида қаралади. Бунда инвестиция қилинаётган соҳа ҳам, қимматбаҳо қоғоз тури ҳам ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, у устама курс ўсишига қараб исталган фойдани берса ва дивидендлар тўланса бўлди.

1.1-Жадвал

Бевосита ва портфель инвестициялар ўртасидаги фарқлар

Белгилар	Бевосита инвестициялар	Портфель инвестициялар
Капитал чиқаришдан асосий мақсад	Хорижий фирма устидан назорат ўрнатиш	Юқори фойда олиш
Мақсадга эришиш йўллари	Хорижда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва олиб бориш	Хорижий қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш
Мақсадга эришиш усуллари	а) хорижий фирмага тўлик эгалик қилиш б) акциялар назорат пакетини сотиб олиш (ХВЖ низомига биноан компания акционер капиталининг 25%дан кам бўлмаслиги керак)	Хорижий фирма акционер капиталининг 25%дан (АҚШ, Япония, Германияда 10%дан) камини сотиб олиш
Даромад шакллари	Тадбиркорлик фаолияти фойдаси, дивидендлар	Дивидендлар, фоизлар

Инвестицияларни манбаларига кўра бундай гуруҳлаш уларнинг манбалари бўйича тузилишини ҳам белгилаш имконини беради. Иқтисодий таҳлил мақсадларида ва амалиётда инвестицияларнинг манбаларига кўра тузилиши билан бирга, уларнинг тармоқ тузилиши, ҳудудий тузилиши, мулкчилик шаклларига кўра тузилиши, такрор ишлаб чиқариш тузилиши ва технологик тузилиши фарқланади. Инвестицияларнинг тармоқ (ҳудудий) тузилиши алоҳида тармоқ (ҳудуд)нинг маълум даврда қилинган инвестиция сарфларидаги улушини кўрсатса, мулкчилик шаклларига кўра тузилиши жами инвестициялар манбаи ва сарфидаги давлат ва нодавлат мулки объектларининг ҳиссасини кўрсатади. Такрор ишлаб чиқариш тузилиши янги қурилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва қайта қурулантириш мақсадларида сарфланган инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши кўринишида аниқланади. Инвестицияларнинг технологик тузилиши қурилиш-монтаж ишлари, ускуна ва инвентарлар ҳамда бошқа ҳаражатлар (лойиҳа-қидирув ишлари, бошқарув ҳаражатлари ва

х.к.)га қилинган ҳаражатларнинг жами инвестиция ҳаражатларидаги улушини кўрсатади. Инвестициялар тузилишини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан мамлакатда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатига боғлиқ. Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати мустақилликнинг дастлабки йиллариданок ёқилги энергетика ва дон мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун устувор соҳаларни қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун очик эшиклар сиёсатини олиб бориш кабиларга қаратилди. Инвестиция сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисмидир. У мамлакат иқтисодиётига ҳам, ундаги хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятига ҳам таъсир кўрсатишнинг муҳим воситасидир. Давлатнинг инвестиция сиёсати деганда инвестиция фаолиятини жонлантириш, иқтисодиётни юксалтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ҳамма хўжалик юритувчи субъектлар учун қулай шароитлар яратишга қаратилган аниқ мақсадли тадбирлар комплекси тушунилади. Инвестиция сиёсатини амалга ошириш механизмсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу механизм инвестицияларни молиялаш манбалари ва усулларини танлаш, амалга ошириш муддатларини белгилаш, инвестиция сиёсатини амалга ошириш учун жавобгар бўлган идораларни танлаш, инвестициялар бозори фаолият кўрсатиши учун зарур меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш ва инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит яратишни ўз ичига олиши керак. Инвестиция салоҳияти иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омили эканлигини ҳисобга олсак, Ўзбекистоннинг инвестиция секторида вужудга келган асосий ҳолатини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлади[4.13].

Ўзбекистонда инвестиция сиёсатининг асосан, қуйидаги тамойиллари ажратилади:

- Инвестициялашда энг муҳим тармоқни танлаш;

- Ижтимоий аҳамиятли тармоқларни қўллаб қувватлаш;
- Чет эл инвестицияларини устувор соҳаларга йўналтириш;
- Салоҳиятли инвестицияларни савдо соҳаси ва пул бозоридан саноат соҳасига қайта тахсимлаш;
- Илмий тадқиқот, янги техника учун лицензиялар сотиб олиш, интеллектуал капитални ошириш;
- Инвестицияларнинг салмоқли қисмини озик-овқат ва истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга йўналтириш;
- Инвестиция жараёнларини тартибга солиб турувчи қонунчилик базасини такомиллаштириш[4.11].

Инвестиция муҳитига бир қанча шарт-шароитлар таъсир этади. Буларга сиёсий барқарорлик, инфляция ва ишсизлик даражалари, бюджетнинг бажарилиши, давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки ва хусусий секторнинг ривожланганлиги, ташқи савдо ва валюта бозорининг эркинлиги, табиий ва меҳнат ресурсларининг мавжудлиги, ишчи кучи сифати, солиқ тизими, фоиз ставкаларининг мақбуллиги, бозор сиғими ва бошқалар киреди.

1.2. Ўзбекистон иқтисодига инвестициялар киритиш аҳамияти

Маълумки, хорижий инвестицияларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юқори ликвидли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг реал секторини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш имконини беради. Мазкур мақсадларни амалга оширишда Президентимиз қарорлари асосида республикада инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бир қанча қарор ва дастурлар қабул қилиниб, ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 14 мартдаги “Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида лойиҳа ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2831 сонли,

2017 4 апрелдаги “�збекистон республикаси инвестициялар бўйича давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2868 сонли, 2017 6 майдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-2960 сонли, 2017 24 майдаги “�збекистон республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3001 сонли, 2017 28 июлдаги “�збекистон республикаси президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-3150-сонли қарорлари Ўзбекистон иқтисодига инвестициялар киритишни жадаллаштиришда, инвестицион лойиҳалар самарадорлигини оширишда, шунингдек маҳаллийлаштириш лойиҳаларини бошқаришда муҳим аҳамият касб этади[2.5, 2.6, 2.7].

Умуман айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосида чуқур ўйланган, Ўзбекистонга хос хусусиятлар тўла ҳисобга олинган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос ва ўзимизга мос модели мужассам. Ушбу дастурнинг изчил амалга ошириб келиниши мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификациялашган, жаҳон бозорига рақобатбардош, кенг даражада хилма-хил тайёр маҳсулотлар билан чиқаётган, узлуксиз юқори суръатлардаги иқтисодий юксалишга мойил, жиддий расмий омиллар ва бенуқсон кредит тарихига эга бўлган замонавий иқтисодиётга айланишини таъминлайди.

Бунда энг ҳал қилувчи вазифа – инвестицион лойиҳаларни самарали амалга ошириш, хорижий инвестициялар ва узоқ муддатли инвестициявий кредитларни жалб этиш эвазига иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш асосини тубдан модернизациялаш, уни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдан иборат.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни

мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳимлигини эътироф этиш баробарида унинг иқтисодий моҳиятини англаб етиш мақсадга мувофиқдир.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига кўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади[5.2].

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:


- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроолантиради.

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунга кўра Ўзбекистон Республикасида қуйидагилар чет эллик инвесторлар бўлиши мумкин (1.1-расм)



1.1-расм. Чет эллик инвесторларни тавсифловчи асосий белгилар

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси уларнинг иқтисодий юксалишида фаол инвестиция сиёсати марказий ўринни эгаллашини тасдиқлайди. Шу боис Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадлари унинг инвестиция сиёсатида тўлиқ ақс эттирилишини тақозо этмоқда.

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборатдир[5.2].

Мустақилликка эришилгандан бошлаб, мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлидан бормоқда. Бу йўлда инвестиция сиёсатининг аҳамияти жуда катта. Чунки инвестициялар иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар, техник ва технологик янгилинишлар, корхоналарни қайта

таъмирлаш ишларини амалга оширишни рағбатлантиради, мамлакат экспорт ва импорт салоҳиятини оширишга имкон яратади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон ўз тузилмавий инвестиция сиёсатини олиб бормоқда (1.2-расм)



1.2-расм. Ўзбекистон Республикасининг тузилмавий инвестиция сиёсати

Тузилмавий инвестиция сиёсати худудлар, тармоқлар ва корхона инвестиция сиёсатларидан таркиб топиб, улар ўзаро боғлиқдир. Худудлар инвестиция сиёсати - инвестицияни сарфлашда аҳоли, худуд ва инвестор манфаатларини ҳисобга олган ҳолда самарали ишлатишга имкон берувчи худудда олиб бориладиган чора-тадбирлар мажмуи. Тармоқ инвестиция сиёсати эса бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини таъминловчи тармоқлар, саноат маҳсулотларини экспорт қилиш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш, илмий-техника тараққиётини инвестиция йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади[5.2].

Давлат тузилмавий инвестиция сиёсатида янги тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш, аҳолининг истеъмол товарлари, иш жойларга бўлган талабини қисқа вақт ичида юқори даражада таъминлашга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларга амал қилмоқда:

-эскирган ишлаб чиқаришларни секин-аста муомаладан чиқариб ташлаш;

-махаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб - қувватлаш;

-тўлов қобилятига эга бўлган ва талабга мос ҳолда ишлаб чиқариш тузилмаларини яратиш;

-ишлаб чиқариш ресурсларидан ва илмий-техника салоҳиятидан имкон кадар юқори даражада фойдаланишни таъминлаш;

-мамлакатнинг экологик ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва уни кучайтириш;

-самарали, рақобатга асосланган ишлаб чиқаришлар, бозор инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш соҳаси ва интеллектуал фаолиятлар ривожланишини уйғунлаштириш;

-иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш ва янги тармоқларни барпо этиш;

-аҳолининг иш билан бандлигини ва ҳамда иқтисодий фаоллигини ошириш;

-худудлар ижтимоий инфратузилмасини тўлиқ шакллантириш.

Тузилмавий инвестиция сиёсатини олиб боришда муҳим стратегиялар ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг моҳияти кичик иқтисодий субъектлар ривожланишини қўллаб-қувватлашдан иборат. Мазкур ишларни амалга оширишда хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик, инвестиция муҳитини жуда қулайлиги хорижий инвесторлар узок муддатли инвестиция лойиҳаларини тузишда асос бўлмоқда. Бундан ташқари, жалб этилган чет эл инвестициялар ва кредитлар учун кафолатлар тақдим этиш, солиқ ва божхона таърифлари бўйича имтиёзлар, заём ва фоиз ставкаларини субсидиялаш каби шарт-шароитлар яратилмоқда, ўнлаб қонуний ҳужжатлар амал қилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг асосий йуналишлари орасида куйидагиларни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

- инвестиция жалб қилиш учун халқаро меъёрлар ва конвенцияларга мос келадиган, саноати ривожланган мамлакатлар инвесторлари томонидан тан олинмаган ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга интилиш;

- республикага жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб берадиган ва иқтисодиётнинг замонавий тузилишини вужудга келтиришга ёрдам берадиган инвесторлар учун очик эшиклар сиёсатини изчиллик

билан амалга ошириш;

- ишлаб чиқариш билан боғлиқ инвестицияларни киритишга кўмаклашиш;

- мамлакатнинг кредит қобилиятини кўллаб-қувватлаш;

- мамлакатнинг айрим минтақаларида ижтимоий ва экология муаммоларини ҳал қилишга қаратилган инвестицияларни киритишга ёрдам бериш.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд. Улар қуйидаги расмда акс эттирилган (1.3-расм)



1.3-расм. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари

Расмда акс эттирилган хорижий инвестицияларни жалб қилиш шаклларини қуйида алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир [5.7].

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга,

унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига, рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Қўшма корхоналар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш кенг тарқалган шаклларида бири ҳамкорликда қўшма корхоналарни ташкил этишдир. Ўзбекистон Республикасида қўшма корхона деганда, низом капиталининг камида 30 % хорижий инвесторларга тегишли бўлган ва хорижий инвестор фақат юридик шахс бўлган, низом капиталининг энг кам миқдори 150 минг АҚШ долларига тенг бўлган эквивалент суммани ташкил этган корхоналарга айтилади. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхона низом жамғармасининг 150 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслиги сифатсиз маҳсулотларининг олди-сотдиси ва уларни республикага импорт қилиш ишлари билан шуғулланишга ихтисослашган кичик қўшма корхоналарнинг керагидан ортиқча кириб келишининг олдини олиш мақсадида белгиланган.

Хорижий корхоналарни ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш бугунги кунда кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ташкил этилиши мумкин.

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестициясини фаол жалб этиш учун, нафақат, ҳудудлар балки, тармоқларда, шунингдек, инвестиция фаолиятининг субъекти ва объектларида ҳам инвестицион жозибадорлик рейтингларини таҳлил этиб, ҳисоблаб чиқиш мувофиқ ҳисбланади.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни

татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Қуйида берилган жадвалда мамлакатимизга жалб қилинган иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар ўзгариш динамикаси келтирилган.


1.2-жадвал.

2018 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар*

т/р	Кўрсаткичлар	Млрд. сўм	Жамига	нисбатан
			2017 йил	% да 2018 йил
1.	Асосий капиталга инвестициялар - жами	16826,6	100,0	100,0
2.	<i>Шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>			
3.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	428,9	3,3	2,5
4.	Тоғ - кон саноати	3717,1	24,2	22,1
5.	Ишлаб чиқариш саноати	3170,5	13,6	18,8
6.	Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1831,9	1,4	10,9
7.	Канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	244,1	1,0	1,5
8.	Қурилиш	267,3	5,1	1,6
9.	Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	784,2	6,0	4,7
10.	Ташиш ва сақлаш	921,3	10,2	5,5
11.	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	108,9	1,2	0,6
12.	Ахборот ва алоқа	175,9	2,7	1,0
13.	Молия ва суғурта фаолияти	372,1	1,5	2,2
14.	Профессионал, илмий ва техник фаолият	320,9	3,0	1,9
15.	Таълим	81,9	1,1	0,5
16.	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	191,8	1,2	1,1
17.	Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	3270,4	18,6	19,4
18.	Бошқа фаолият турлари	939,4	5,9	5,7

* Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Жадвалда кўриниб тарибдики, иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: тоғ – кон саноатида 3717,1 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 22,1 %), шу жумладан хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турида 2983,8 млрд. сўм (17,7 %), ишлаб чиқариш саноатида 3170,5 млрд. сўм (18,8 %), шу жумладан озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 319,8 млрд. сўм (1,9 %), текстил маҳсулотлари ва кийим ишлаб чиқариш фаолияти турида 459,9 млрд. сўм (2,7 %), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 659,7 млрд. сўм (3,9 %), бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 358,6 млрд. сўм (2,1 %), металлургия саноатида 627,3 млрд. сўм (3,7 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 1831,9 млрд. сўм, (10,9 %), қурилиш фаолияти турида 267,3 млрд. сўм (1,6 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 921,3 млрд. сўм (5,5 %), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 784,2 млрд. сўм (4,7 %), ахборот ва алоқа фаолият турида 175,9 млрд. сўм (1,0 %), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 320,9 млрд. сўм (1,9 %), таълим соҳасида 81,9 млрд. сўм (0,5%), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 3270,4 млрд. сўм (19,4 %) инвестициялар ўзлаштирилди.



1.4- расм. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури бу - давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукамал ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури – ички ва ташқи сиёсатнинг умумий йўналиши ҳисобга олинган ижтимоий-иқтисодий ва хусусий хўжалик қарорлари мажмуаси бўлиб, маблағлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакат ичига ва хорижга киритилган сармояларнинг йўналиши ва жойлашувини белгилайди. Ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсиши, иқтисодий ўсиш суръатлари, моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатининг кўтарилиши ва бутун инфратузилмасининг ривожланиши кўп жиҳатдан инвестиция ва инвестиция дастурига боғлиқ. Инвестиция дастури давлатнинг инвестиция маблағларини мамлакатда моддий бойликлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун сафарбар қилиш вазифасидан иборатдир. Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан давлат сиёсатининг бу соҳаси унинг тегишли идоралари томонидан ушбу сиёсатнинг мақсад ва вазифалари амалга ошириладиган фаолиятдир. Инвестиция дастурининг ташқи томони ҳам бор бўлиб, у иқтисодиётни замонавий техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида жадал ривожлантириш вазифасини ҳал этиш учун иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб этишни ўз ичига олади[7.2].

Бу вазифани қўшма корхоналар барпо қилиш, яъни тўғридан-тўғри хорижий хусусий инвестициялардан фойдаланиш йўли билан ҳал этиш мумкин. Шу муносабат билан хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари долзарблашади. Аниқ, самарадор ва ҳаётий риоя қилинадиган қонунларига эга бўлган очик ва либерал инвестиция дастури

хорижий инвестицияларни жалб этишнинг қудратли қуролидир. Бундай сиёсатни ишлаб чиқиш республиканинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолиши керак.

Хорижий инвестиция фақат ишлаб чиқариш ва бозор ривожланган шароитда, яъни халқаро бозордаги сармоя экспорти бунгача мавжуд бўлган товарлар экспортидан юқори бўлганда пайдо бўлади.

Давлат инвестиция жараёнини ташкил қилувчи ва асосий инвестор бўлиб хизмат қилиши керак – ижтимоий сиёсат нуқтаи назаридан бу унинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Инвестицияларнинг миқдорий ўсиши ички инвестиция дастури (маблағларни ноишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш ҳисобига сафарбар қилиш) воситасида таъминланади. Инвестициялар сифатининг ўсиши ички (фан ва техника ютуқларини татбиқ қилиш) ва тегишли ташқи инвестиция дастури (хорижий инвестициялар-техник таркиби ва хусусиятига кўра юқорироқ бўлганларини жалб этиш) воситасида таъминланади. Ички инвестиция дастури ҳам ташқи инвестиция дастури ҳам инвестициялашнинг турли манбаларидан турли шакллардаги инвестицияларни жалб этиш заруриятини назарда тутди. Инвестиция дастурининг моҳияти ва мазмуни энг қулай ҳуқуқий воситаларни топиш – инвестиция жараёни ва инвестицияни ҳуқуқий тартибга солишдан иборат. Рационал инвестиция дастурини амалга ошираётган давлат ихтиёрида ҳуқуқий тартибга солишнинг икки воситаси мавжуд: миллий-ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий. Давлатнинг ташқи инвестиция дастури ҳуқуқий нуқтаи назардан хорижий инвестициялар учун қулай ҳуқуқий муҳит яратишдан иборат бўлиб, бу миллий ҳуқуқий тартибот, миллий ҳуқуқий шакллар ва нормалардан (конунлар ва бошқа меъёрий актлар) ҳамда халқаро-ҳуқуқий тартибот, халқаро-ҳуқуқий шакл ва нормалардан (икки ва кўп томонлама шартномалар ва битимлар) фойдаланишни назарда тутди. Буларнинг барчасида ҳам ички, ҳам ташқи инвестиция сиёсатлари ҳисобга олиниши шарт[7.11].

Инвестиция дастурининг аниқ мақсадга йўналтирилган ва илмий

асосланган асосий вазифаси давлатнинг жамиятда моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун инвестиция маблағларини сафарбар қилиш бўйича фаолият юритишидан иборат. Инвестиция фаолияти (ингл. investment activity) – бу инвестиция киритиш ва инвестицияларни амалга ошириш бўйича олиб бориладиган амалий ҳаракатларнинг йиғиндисидир.

Инвестиция дастури алоҳида давлатлар томонидан инвестиция муносабатлари субъектларининг (давлатлар, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий) инвестиция фаолиятини кучайтириш мақсадида чоралар тизимини назарда тутди. Инвестиция фаолияти эса унинг субъектларининг инвестицияни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятлари йиғиндисидир.

Инвестиция дастури товар-пул муносабатларини такомиллаштириш шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур сиёсат ривожланган товар-пул муносабатларида унча катта аҳамиятга эга эмас. Чунки ўз-ўзини бошқарувчи иқтисодиёт шароитида инвестиция дастури асосан тартибга солувчи аҳамиятга эга бўлади. Инвестицион лойиҳаларнинг манзилий дастури ҳар йили ишлаб чиқилиб, молиялашнинг асосий манбалари асосида инвестицион лойиҳаларнинг керакли рўйхатини ўз ичига олади.

Инвестицион лойиҳаларнинг манзилли дастурига киритишнинг зарур шартлари мавжуд:

- техник - иқтисодий асосларнинг мавжудлиги;
- шартномада кўрсатилган кредитларнинг вақтида қопланганлиги ва молиялаштириш манбалари тасдиғининг мавжудлиги ҳам зарур.

Ўзбекистон Республикаси инвестицион дастури ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлашнинг муҳим қисми бўлиб давлат инвестиция сиёсатининг асосий йўналишларини акс эттиради. Дастурнинг асосий мақсади бўлиб, Ўзбекистон иқтисодиётини динамик ривожланишига, Ўзбекистон иқтисодиётнинг зарур структуравий ўзгаришларни амалга оширишга, иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар асосида жаҳон

иқтисодий тизимига кенг интеграцияси, табиий минерал хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш ҳисобланади [6.2].

Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

- капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ёрдамида прогноз қилиш;
- муҳим инвестицион таклифларнинг таққослама рўйхати;
- инвестицион лойиҳаларнинг манзиллидастури.

Дастур қуйидагиларни амалга оширишга йўналтирилган капитал қўйилмалар прогнозини ўз ичига олади:

- табиий минерал хом ашё молиявий моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарасини ошириш;
- давлат бюджети республиканинг ички ва ташқи қарздорлиги билан боғлиқлиги;
- молиявий маблағлар билан тасдиқланган объектларни ва кредитлар қайтарилиши, шунингдек, қурилиш ва қуриш материаллари саноатидаги кучларнинг баланслаштиришни киритиш;
- иқтисодий ва экологик жиҳатдан асосланган янги корхоналарни жойлаштириш ва регионларнинг комплекс ривожланишини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритувчи корхоналарда қўшимча кучларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш инфраструктурасидаги ва меҳнат ресурсларидаги табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш.


Ўзбекистон Республикасида инвестиция дастурининг молиялаштиришда асосан хорижий инвестициялар катта ўрин эгаллайди.

Мамлакатимизда инвестиция дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди. Юқорида

таъкидланганидек, мамлакатимизда инвестицияларни жалб этишда аввало, ички манбаларни сафарбар этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ёки мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтиришда инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари – корхона фойдаси, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва бошқалардан кенгроқ фойдаланиш зарурлигини аниқлатади. Чунки, ички манбаларнинг тўлиқ сафарбар этилиши, бир томондан, мавжуд иқтисодий ресурслардан тежамли ва оқилона фойдаланишни таъминласа, бошқа томондан, инвестицияларнинг самарадорлигини оширади.

Мамлакат миқёсидаги инвестиция фаолиятини самарали амалга ошириш мақсадида инвестиция дастури ишлаб чиқилади.

Инвестиция дастури - республика иқтисодиётини барқарор ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал-ҳом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республика айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-тадбирлар комплекси.



1.5 - расм. Минтақаларда фаолият юритаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони ва улуши

Шунингдек, мамлакатимизда техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари ҳам ишлаб чиқилиб, уларда иқтисодийтимизнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришнинг замонавий андозаларига ўтиш, тежамкор ва самарали технологияларни қўллаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади.

1.3-жадвал.

2018 йилда хорижий инвестицияларни ва кредитларни ўзлаштириш таҳлили*

	Хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, млрд. сўм		Хорижий инвестициялар, нисбатан % да	
	жами	шу жумладан, кредитлар	жамига	асосий капиталга инвестициялар
Ўзбекистон Республикаси	4689,5	2060,7	100,0	27,9
Қорақалпоғистон Республикаси	149,0	33,2	3,2	22,2
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	47,7	11,2	1,0	11,0
Бухоро	1744,0	32,2	37,2	69,6
Жиззах	27,0	-	0,6	6,7
Қашқадарё	547,2	131,8	11,7	26,4
Навоий	999,5	986,4	21,3	57,2
Наманган	600,3	573,5	12,8	58,9
Самарқанд	14,4	4,9	0,3	2,1
Сурхондарё	92,9	64,3	2,0	9,1
Сирдарё	33,8	27,6	0,7	11,3
Тошкент	92,5	66,3	2,0	7,9
Фарғона	97,9	86,0	2,1	15,0
Хоразм	28,6	24,7	0,6	7,8
Тошкент ш.	214,6	18,7	4,6	5,8

* Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

2018 йилнинг январь-мартида 4689,5 млрд. сўм ёки 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 121,2 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 27,9 % ташкил этди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Бухоро вилоятида 37,2 % , Навоий вилоятида 21,3 %, Наманган вилоятида 12,8 % ва

Қашқадарё вилоятида 11,7 % кузатилди(1.2-жадвал).

2018 йилда ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг ЯИМ га нисбати 7,2 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 % фоизга кўпайди.

Ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг доллар эквивалентидаги қиймати 574,9 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан 343,7 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларни ташкил этди, ёки 2017 йилга нисбатан 27,1 % га камайди.

2018 йилнинг январь-мартида ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг ЯИМ га нисбати 4,3 % ни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос двари кўрсаткичига нисбатан 0,6 % пунктга камайди.

Бундан ташқари, ҳудудларимизда, аввало, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда кичик бизнес соҳасида фаолият олиб борадиган 480 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишда мамлакатимиз ҳудудларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда, электр ва газ тармоғини барпо этиш бўйича стратегик инвестиция лойиҳаларининг мамлакатимиз учун нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этишини яна бир бор таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Айнан шу йўналишдаги ишларнинг амалга оширилиши натижасида:

1) мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари якунланиб, улардан узлуксиз ва тежамли фойдаланишни назорат қилиш ва таъминлаш;

2) Фарғона водийси ва Ўзбекистон жанубида яшайдиган аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан ишончли таъминлаш;

3) электр энергия экспорт қилишни сезиларли равишда ошириш имкониятлари кўлга киритилди.

Хусусан, мамлакатимизда электр, табиий газ ва ичимлик суви таъминотини замонавий талаб даражасида йўлга қўйиш борасида:

- меъёрадан ортиқча ёки кам қувват билан ишлаётган 283 та трансформатор подстанцияларини янгиларига алмаштирилди (ушбу тадбирларга 2,9 млрд. сўм маблағ сарфланди);

- меъёрадан ортиқча қувват билан ишлаётган 308 км электр тармоқларини алмаштириш ишлари амалга оширилди (1 млрд. сўм);

- ҳудудларда жами 964,2 км газ тармоқларида қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди;

- ҳудудларда 2,3 минг км сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди;

- 366 та қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик суви объектлари қуриб фойдаланишга топширилди (19 млрд. сўм).

Инвестиция дастурларида муайян даврда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, уларнинг бажарилиш босқичлари ва сарфланиши кўзда тутилган маблағлар қиймати ҳудудлар ва тармоқлар бўйича акс эттирилади. Инвестиция дастурлари узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, унда ҳар бир йил учун мўлжалланган чора-тадбирлар алоҳида ифодаланган бўлади.

1.3. Инвестиция лойиҳалари ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари

Лойиҳанинг белгилари ва таърифлар таҳлили асосида лойиҳанинг қуйидаги таърифи берилган. Бу эса барча асосий белгиларни қониқтиради ва келтирилган таърифларнинг ҳеч бирига зид келмайди: "Лойиҳа - бу алоҳида тизимнинг вақт билан чегараланган, мақсадга йўналтирилган ўзгариш" бўлиб, у капитал ва ресурслар ҳамда махсус ташкилотлар ҳаражатларининг тахминий доирасида белгиланган талаблар билан натижаларнинг сифатига қаратилгандир"[5.6].

О.Н.Ильинанинг фикрига қарагандан: "Инвестицион лойиҳа - бу вақт билан чегараланган, ресурс ва маблағларнинг белгиланган миқдордаги сарфи ва натижалар сифатида қўйиладиган талаблар асосида тизимнинг ўзгаришидир"[5.6].

О.Ю. Рашидовнинг фикрига қараганда инвестицион лойиҳалар иккита ҳужжатдан иборат:

- капитал қўйилмалар ҳажми ва амалга оширишнинг иқтисодий асосланган, қонунчилик ҳамда стандартлар талаби асосида ишлаб чиқилган лойиҳа - смета ҳужжатлари;

- инвестицияларни амалга оширадиган бизнес режа[5.13].

О.П. Молчанова "Инвестицион лойиҳа - бу ҳўжалик юритувчи субъектни маълум давр ичида инвестицион мақсадларни амалга ошириш ҳамда режалаштирилган натижаларга эришиш учун реал инвестиция объектларига капитал қўйилишини назарда тутувчи инвестицион ташаббуснинг ҳужжатларда расмийлаштирилишидир"[5.7].

Инвестицион лойиҳани қўйидаги таъриф аниқ белгилайди: маълум ҳаракатларни амалга оширувчи, яъни келгусида фойда олиш мақсадида капитал қўйилишга асосланган, ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий ҳисоб-китоб ҳужжатлари мажмуасидир.

"Алоҳида тизимлар" тушунчасига киритилиши нафақат лойиҳанинг тўлиқлиги ва унинг бошқа ташкилотлар билан чегараланганлигини кўрсатади, балки лойиҳанинг ягоналигини (серияли ишлаб чиқаришдан фарқли равишда) билдиради, демакки, унинг бетакрорлигини ва янгилик (инновация) белгиларини ҳам реал ҳаётда дуч келинадиган лойиҳаларнинг турличалиги, жуда каттадир. Улар киритилиш соҳалари, фан соҳасининг таркиби, кўлами, давомийлиги, қатнашувчиларнинг таркиби, қийинлик даражаси, натижалар таъсири ва ҳаказолар бўйича катта фарқ қилиши мумкин.

Лойиҳаларнинг таҳлили ва синтези қулайлиги учун турли хил бошқариш тизимлари турли асослар бўйича таснифланиши мумкин.

Лойиҳа тури (амалга оширилаётган лойиҳанинг асосий фаолият соҳалари бўйича): ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва аралаш.

Лойиҳа синфи (лойиҳа таркиби ва тизимини ҳамда унинг фан соҳаси бўйича): монолойиҳа, мултилойиҳа, мегалойиҳа. Монолойиҳа - бу ҳар хил тур, қурилиш ва ҳажмдаги алоҳида лойиҳадир. Мултилойиҳа - бу бир неча монолойиҳалар ташкил топган ва кўп лойиҳали бошқарувли тадбиқни талаб қилувчи комплекс лойиҳадир. Мегалойиҳа - бу таълим соҳалари ва ҳ.к. Ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари бўлиб, бу тартибга бир қатор моно ва мултилойиҳалар киритилади.

Лойиҳа кўлами - (лойиҳанинг ҳажми, қатнашувчилар сони ва атроф-муҳитга таъсир даражаси бўйича): кичик лойиҳалар, ўрта лойиҳалар, йирик лойиҳалар, жуда йирик лойиҳалар. Лойиҳаларнинг бундай тақсимооти жуда шартлидир. Лойиҳа кўламларини аниқроқ шаклда кўриш мумкин. Давлатлараро, ҳалқаро, миллий минтақалараро ва минтақа, тармоқлараро ва тармоқлар бўйича, кооператив, ташкилий лойиҳалар[5.7].

Лойиҳа давомийлиги (лойиҳани амалга ошириш вақти давомийлиги бўйича): қисқа муддатли (3 йилгача), ўрта муддатли (5 йилдан ортиқ).

Лойиҳаларнинг мураккаблиги (мураккаблик даражаси бўйича): оддий, мураккаб, жуда мураккаб.

Лойиҳа тури (лойиҳанинг фан соҳаси характери бўйича): инвестицион, инновацион, илмий-тадқиқот, аралаш. Инвестицион лойиҳаларга одатда, инвестицион қўйилмаларни талаб қилувчи, бош мақсади асосий фондларни ишлаб чиқариш яъни янгилаш бўлган лойиҳалар киритилади. Инновацион лойиҳаларга, тизимлар ривожланишини таъминлайдиган, бош мақсади янги технологияларни, ноу-хау ва бошқа янгиликларни ишлаб чиқиш ва қўллаш бўлган лойиҳалар киритилади.

Янги маҳсулотни ишлаб чиқариш, қурилиш соҳасидаги изланишлар ёки янги информацион бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш қуйидаги хусусиятлар билан характерланади: лойиҳанинг бош мақсади аниқ белгиланган, лекин алоҳида мақсадлар хусусий натижаларга эришиши

доирасида аниқланиши керак; лойиҳанинг яқунланиши ва давомийлиги муддати олдиндан аниқланган, уларга иложи борича аниқ риоя этиш зарур, аммо улар олинган оралиқ натижалар ва лойиҳанинг умумий силжиб боришига боғлиқ ҳамда тўғриланиши ҳам керак; лойиҳанинг харажатлар режаси одатда ажратилган ассигнациялар ва оз миқдорда лойиҳани ҳақиқатда силжиб боришига боғлиқ; асосий чеклашлар қувватлардан фойдаланиш имкониятларини чекланганлиги билан боғлиқ (ускуналар ва мутахассислар). Қоидага асосан, мавжуд қувватлар лойиҳанинг харажатлари ва унинг таёргарлик муддатини аниқлаб беради.

Ижтимоий таъминот тизимини қайта қуриш, соғлиқни сақлаш, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, табиий ва ижтимоий силжишлар оқибатларини енгиб ўтиш - буларнинг барчаси ўз хиссасига эга ижтимоий лойиҳалардир: мақсадлар фақат оралиқ натижаларга эришиш доирасида тўғриланиши керак ва кўзда тутилади, уларни миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш анча мураккаблашган; лойиҳанинг муддати ва давомийлиги тахминини омишларга боғлиқ ёки фақат белгиланади ва оқибатда аниқланиши зарур; лойиҳа харажатлари, одатда бюджет ассигнацияларига боғлиқ; ресурслар талаб бўйича имконият доирасида ажратилади. Ижтимоий лойиҳалар юқори аниқликка эга[5.11].

Лойиҳа юзага келган вақтдан токи у тугатилгунга қадар ўтган вақт оралиғига лойиҳанинг ҳаёт даври, лойиҳа босиб ўтиши лозим бўлган ҳолатларга эса фазалар, босқичлар дейилади. Лойиҳалар ҳаёт даврининг қуйидаги босқичлари фарқланади:

1.Инвестиция олди босқичи.

- а) инвестиция имкониятларининг таҳлил;
- б) дастлабки техник-иқтисодий асослаш;
- в) техник-иқтисодий асослаш;
- г) инвестиция имкониятлари тўғрисида доклад.

2.Инвестиция босқичи.

- а) музокаралар олиб бориш ва шартномалар тузиш;

- б) лойиҳалаштириш;
- в) қуриш(қурилиш ишларини амалга ошириш);
- г) маркетинг;
- д) ходимларни ўқитиш.

3.Эксплуатация босқичи.


- а) қабул қилиш ва ишга тушириш;
- б) ускуналарни алмаштириш (янгилаш);
- в) кенгайтириш, инновация.

Лойиҳа ҳаёт даври графигиан кўриниб тўрганидек, инвестицион жараёни бошланғич инвестиция (1о) ҳаражатлари билан бошлаб, инвестициянинг қопланиш муддатига етгач, инвестиция лойиҳасининг асосий қисми, яъни соф фойдага ишлаш даври бошланади. Ҳар қандай лойиҳа ҳам маълум муддат етгач, турли сабабларга кўра ўзининг пасайиш даврига эга бўлади. Бундай пасайишни келтириб чиқарувчи омиллар сифатида асосан қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- Рақобатбардош корхоналарнинг кўпайиши;
- Корхона асосий фондларининг эскириши ҳолатларини юзага келиши;
- Ишлаб чиқарилаётган товарга бўлган талабнинг пасайиб бориши ва бошқалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида лойиҳаларга солинаётган инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг хусусияти шуки, мақсадлар - қиймат, технология, рақобатнинг тез-тез ўзгариши туфайли истиқболдаги натижаларга тадбиқан ноаниқ ва беқарор бўлади.

Инфляция, талабнинг, фоиз ставкасининг, валюта курсининг ўзгариши ҳам ноаниқлик манбаи бўлади. Иқтисодий вазиятдаги катта ўзгаришлар узок муддатли лойиҳалашнинг қатори юқори бўлишига олиб келади, шу сабабли бозор иқтисодиётида маблағ солишнинг самарадорлигини баҳолаш чоғида аниқ, бироқ қисқа муддатли имкониятларга катта аҳамият берилади[5.11].



1.6-расм. Инвестиция лойиҳасининг ҳаёт даври графиги

Бу ерда:

NPV (Net Present Value) - соф жорий қиймат

t - вақт (йиллар)

Io (Initial Investment) - бошланғич инвестиция

PP (Payback Period) - инвестициянинг қопланиш даври[5.11].

Бозор иқтисодиёти амал қилаётган мамлакатларнинг инвестициялар самарадорлигини баҳолаш учун қўлланадиган усулларининг бошқа хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- вақт омили ҳисобга олинади ва инвестиция лойиҳасининг қиймати ҳамда кутилаётган фойдалар албатта дисконтланади;
- ўзгарувчан фоиз ставкаси катта рол ўйнайди;

Шундай экан, Ўзбекистан иқтисодиётида бозор муносабатларига ўтиш солинаётган инвестициялар самарадорлигини баҳолашга методик ёндошувларни қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда. Ҳалқаро молия-кредит ташкилотларининг ташқи кредитларни жалб этиб амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини мунтазам равишда молиявий ҳамда иқтисодий баҳолаш эҳтиёжлари ҳам таҳлил қилиш методологиясига қизиқиш кучайишига сабаб бўлди.

Инвестиция маблағларининг самарадорлигини таҳлил қилиш сифатли ва ишончли бўлиши учун ҳар бир конкрет вазият учун ғоят хилма-хил воситалар ва методик ёндошувларнинг тегишли комбинациясидан

фойдаланиш зарур. Бунда ҳар қандай инвестициявий қарорни икки жиҳатдан баҳолаш мақсадга мувофиқ:

- молиявий таҳлил - конкрет (хусусий) инвесторнинг оладиган фойдасини баҳолаш учун;
- иқтисодий таҳлил - инвестицияларнинг жамият учун самарадорлигини аниқлаш учун.

Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашда дисконт ва нодисконт усулларга таянилади. Дисконт усулда соф жорий қиймат (NPV), инвестиция лойиҳасининг рентабеллиги (PI) ва ички фойда меъёри (IRR) каби кўрсаткичлар аниқланилади.

Соф жорий қиймат (NPV) корxonанинг молиявий тушумлари ва чиқимлари ўртасидаги фарқ сифатида акс этирилиб, у қуйидаги формула орқали аниқланилади:

$$NPV = CF_1/(1+r) + CF_2/(1+r)^2 + \dots + CF_n/(1+r)^n - I_0$$


Бу ерда:

NPV - соф жорий қиймат

CF (Cash Flows) - пул тушумлари

R (discount rate) - дисконт ставка

I_0 - бошланғич инвестиция



1.7-расм. Ички фойда меъёри графиги

$$PI = (CF1/(1+r) + CF2/(1+r)^2 + \dots + CFn/(1+r)^n) / I_0$$

Ички фойда меъёри (Internal Rate of Return) эса соф жорий қиймат нолга тенг бўлганда, яъни тушумлар ҳамда чиқимлар ўзаро тенг бўлган ҳолатидаги дисконт ставкани аниқлатади а у қуйидаги графикда ўз ифодасини топган[5.1].

Дисконт ставка dR каттарган сари соф жорий қиймат салбий томонга йўналиб, бу кўрсаткич тобора пасайса, соф жорий ижобий натижа бера бошлайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашда асосланиладиган нодисконт усуллар сафига лойиҳанинг қопланиш муддати (Payback Period) ҳамда лойиҳанинг бухгалтерик рентабеллиги (Accounting Rate of Return) тушунчаларидан фойдаланилади.

Инвестицияларнинг қопланиш даври PP (ингл. Payback Period), бу шундай даврки, бунда дастлабки қилинган инвестициялар миқдори тикланади ва у қуйидаги формула орқали топилади.

$$PP = I_0 / CF_t$$

Бунда: I_0 -дастлабки инвестиция миқдори;

CF_t - йиллик пул тушумлари

Ушбу формула йиллик пул тушумлари ўзаро тенг бўлгандагина амалда қўлланилиши мумкин.

Инвестиция лойиҳасининг бухгалтерик рентабеллиги эса, қуйидагича аниқланилади:

$$ARR = CF_t / I_0 * 100\%$$

Инвестиция лойиҳасининг бухгалтерик рентабеллиги ҳар йил учун аниқланилиб, у лойиҳанинг қандай самара билан ишлаб боришини кўрсатиб беради.

Барча инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашда келгусидаги пул тушумлари ҳозирги қилинган ҳаражатларни қоплайдими ёки йўқми, деган саволга жавоб топиш ташкил этади.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда инвестицияларни баҳолашнинг турли лойиҳаларга қўйилган маблағларнинг фойдалилигини таққослашга асосланган усуллари кўп қўлланилади. Бунда у ёки бу лойиҳага инвестиция қилишнинг муқобил вариантда бўлиб бошқа объектларга маблағ сарфлаш, шунингдек маблағларни маълум фоиз билан банкка қўйиш ёки уларни қимматли қоғозларга айлантириш имкониятлари ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш услублари деганда ҳаражатларнинг фойдалилиги ва қопланиши нуқтаи назаридан турли объектларга (лойиҳаларга, тадбирларга) инвестиция қилишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш усуллари тушунилади. Инвестициялар самарадорлигини аниқлашда, уларнинг айрим жиҳатларинигина характерлайдиган алоҳида кўрсаткичлардан фойдаланиш етарли бўлмайди. Шу сабабли инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш учун бир неча услублар ва кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда беш асосий услубдан кенг фойдаланилади.

Ўз навбатида бу услубларни икки гуруҳга аратиш мумкин:

1. Дисконтлаш концепциясини қўллашга асосланган услублар: соф жорий қийматни аниқлаш услуги; инвестицияларнинг рентабеллик даражасини аниқлаш услуги; ички фойда меъёрини аниқлаш услуги.

2. Дисконтлаш концепциясини куллашни кўзда тутмаган услублар: инвестиция лойиҳаларига сарфланган маблағларни қоплаш даврини аниқлаш услуги; инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллилигини аниқлаш услуги.

Ушбу услубларни кўриб чиқишдан олдин шуни таъкидлаш зарурки, ҳар бешала услуб инвестицияларнинг мутлақ самарадорлигини аниқлаш усули сифатида кўриб чиқилади. Яъни ҳар бир инвестиция лойиҳасини амалга ошириш фирманинг бошқа лойиҳаларга инвестиция сарфлаш имкониятларига таъсир этмайди, деган шартга амал қилинади.

Шунингдек, ҳар қандай лойиҳа молиявий-иқтисодий жиҳатдан мукамал ва пухта ишланган бўлсада, унинг институционал таҳлили асосли олиб борилмаган бўлса, инвестицион лойиҳа кутилган натижаларни бера олмаслиги мумкин.

Институционал таҳлил лойиҳа устида бажариладиган ишларнинг энг муҳимларидан бирига айланди. Инвестиция лойиҳалари натижалари кўп жиҳатдан ташкилий тузилма сифатига ҳам боғлиқ. Лойиҳани амалга оширувчи ташкилотларни ўрганиш, уларнинг бошқарув имкониятлари, шунингдек, марказий ҳокимиятнинг лойиҳа учун мутасадди бўлган ташкилотларга ёрдам беришга қанчалик тайёр эканликларини баҳолашга имкон беради. Яхши шаклланмаган, такомиллашмаган бошқарув тузилмасига, малакали мутахассислар, ахборот тизимлари ва хоказоларга эга бўлмаган ташкилотлар зиммасига лойиҳаларни амалга оширишни топшириш ёки улар таклиф этган лойиҳаларни молиялаштириш муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин.

Институционал таҳлил лойиҳаларни самарали амалга ошириш ва эксплуатация қилишга, шунингдек, мавжуд ташкилотларни мустахкамлаш, малакали мутахассислар билан тўлдиришга кумак бериши лозим. Кучли институтларни ташкил этиш лойиҳага кўра фойдаланиладиган миллий ҳамда ҳалқаро ресурсларни муҳофаза қилган ҳолда лойиҳаларни самарали амалга ошириш имконини беради. Инвестиция лойиҳалари институционал таҳлилдан мақсад лойиҳа амалга оширилаётган макондаги ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий ва маъмурий вазиятга баҳо бериш ҳамда лойиҳага жалб этилган ташкилотларнинг имкониятларини мустахкамлаш чора-тадбирлари борасида тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тавсиялар қуйидаги масалаларни ҳамраб олади:

- менежмент услублари ва усуллари, шу жумладан, мониторинг ва баҳолаш;
- ташкилий тузилма, ундаги ўзгаришлар;
- режалаштириш, шу жумладан, инвестицияларни жойлаштиришни

режалаштириш;

- ходимлар таркибини тўлдириш, ўқитиш, малакасини ошириш;
- молиявий фаолият, шу жумладан молиявий фаолиятни бошқариш, сметалар тўзиш, бухгалтерия ҳисоби ва тафтиш;
- лойиҳаларнинг моддий-техник таъминоти;
- эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш тизимлари;
- ташкилотлараро мувофиқлаштириш.

Бу вазифалар нафақат лойиҳаларни амалга ошираётган ва эксплуатация қилаётган ташкилотлар, шунингдек, лойиҳа муваффақиятига таъсир кўрсатувчи ҳукумат ва тармоқ тузилмаларига, яъни вазирликлар, идоралар, банклар, тадқиқот муассасаларига ҳам тегишли.

Умуман олганда, институционал таҳлилга асосланган ҳолда қуйидаги вазифаларни бажариш талаб этилади:

- лойиҳа амалга ошириладиган институционал шарт-шароитларни (ташкилотлар, меъёрий ҳужжатлар ва сиёсий омилларни) аниқлаш ва тасвирлаб бериш;
- лойиҳада иштирок этувчи ташкилотларнинг моддий ва меҳнат ресурслари, техник малакаси, ташкилий тузилмаси, бошқарув ва маъмурий имкониятлари, молиявий ахволи нуқтаи назаридан кучли ва заиф томонларини баҳолаш;
- қонунлар, сиёсат ва йўриқномалар ўзгаришининг лойиҳани амалга ошириш ва эксплуатация қилишга (айниқса, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иш хақи, баҳолар, субсидиялар, ташқи савдо, валюта курси ва хоказоларга) эҳтимол бўлган таъсирини баҳолаш;
- лойиҳада қатнашувчи ташкилотларнинг заиф жиҳатларини бартараф қилишнинг муқобил йўллари ҳамда қонунлар, сиёсат ва йўриқномаларнинг лойиҳага кўрсатиши мумкин бўлган потенциал салбий таъсирига қарши чора-тадбирларни илгари суриш;
- тавсия қилинаётган ташкилий ўзгаришларни амалга ошириш учун керак бўлиши мумкин бўлган техник ёрдам бўйича таклифларни илгари

суриш ҳамда зарур ишларни ўтказиш графигини ишлаб чиқиш.

Бозор муносабатлари шароитида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва баҳолаш борасидаги фаолликни рағбатлантириш механизми бир неча блокни ўз ичига олиши зарур. Булар:

- марказлаштирилган капитал маблағларнинг (давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардан) оқилона тахсимланишига ва самарали фойдаланилишига ёрдам берадиган иқтисодий воситалар ҳамда ташкилий чора-тадбирлардан;
- минтақалар даражасида инвестиция фаолиятининг молиявий базасини мустахкамлайдиган иқтисодий механизмдан;
- корхоналар ва ташкилотларнинг ўз жамғармалари ўсишига ёрдам берадиган иқтисодий чоралардан;
- хусусий тадбиркорларнинг инвестиция борасидаги фаоллигини рағбатлантирадиган иқтисодий механизмдан;
- аҳоли жамғармаларини иқтисодиётни инвестициялаш мақсадларида ишга солиш воситаларидан;
- бевосита ва қарзга олинадиган чет эл инвестицияларини жалб этиш чораларидан иборат.

Инвестиция сиёсатини амалга ошириш механизми ичидаги турли блокларнинг воситалари ва усуллари ўзаро бирикиб, бир-бирини тўлдиради ва бир вақтнинг ўзида турли йўналишларда амал қилиб, инвестициялар келадиган турли йўللарни ишга солади ва рағбатлантиради.

1-боб бўйича хулоса

Инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Инвестициялар деганда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турган қувватларни сақлаб туриш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш, фойда олиш ҳамда (атроф-муҳитни муҳофаза

қилиш, ижтимоий каби) бошқа якуний натижалар олиш мақсадида турли дастурлар ёки алоҳида тадбир (лойиха)ларга сарфланадиган маблағ тушунилади.

2. Иқтисодий моҳиятига кўра, инвестициялар асосий ва айланма капитални яратиш, кенгайтириш ёки реконструкция қилиш ва қайта қуроллантириш учун қилинадиган ҳаражатлардир.

3. Инвестиция муҳитига сиёсий барқарорлик, инфляция ва ишсизлик даражалари, бюджетнинг бажарилиши, давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки ва хусусий секторнинг ривожланганлиги, ташқи савдо ва валюта бозорининг эркинлиги, табиий ва меҳнат ресурсларининг мавжудлиги, ишчи кучи сифати, солиқ тизими, фоиз ставкаларининг мақбуллиги, бозор сиғими каби бир қанча шарт-шароитлар таъсир этади.

4. Хорижий инвестицияларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юқори ликвидли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг реал секторини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш имконини беради.

5. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосида чуқур ўйланган, Ўзбекистонга хос хусусиятлар тўла ҳисобга олинган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос ва ўзимизга мос модели мужассам.

6. Республика иқтисодиёти самарадорлигини ошириш учун инновацион фаолиятни ривожлантириш асосида ишлаб чиқаришни ҳозирги замон истеъмол талабларига жавоб берадиган техника ва технологиялар билан таъминлаш, бозор талабларига мос маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш ҳамда инновацион фаолият билан шуғулланувчи субъектлар ва ишлаб чиқариш субъектлари ўзаро ҳамкорликда ишлашини ташкил этиш керак. Бунинг учун илмий ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этиш зарур.

II БОБ. ЕНГИЛ САНОАТ ТАРМОҒИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Енгил саноат тармоғининг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни

Ўзбекистон енгил саноати пахта толасига ишлов бериш бўйича кўп асрлик анъаналарга эга. Ўзбекистон орқали Буюк ипак йўли ўтган бўлиб, ўзбек ҳунармандлари ишлаб чиқарган товарлар, айниқса шойи-кимхоб, атлас газламалар бутун дунёга маълум бўлган.

Бугунги кунда дунё бозорида табиий толалардан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талабнинг ортиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, Ўзбекистон дунё бозорида фақатгина пахта хомашёси эмас, балки тайёр тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини етказиб берувчи экспортёр сифатида танилиши учун ҳам кенг имкониятларимиз борлигини таъкидлашимиз зарур.

Тўқимачилик тармоғида ҳалқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилиши сабабли, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда марказий ўринларда туради, бу эса ўз навбатида бозорларимиз катта бир қисмининг тўйинишидир. Бундан ташқари, тармоқ республикани катта миқдордаги иш ўринлари билан таъминлайди, жумладан бу тармоқда асосан аёлларнинг банд бўлиши саноат районларида демографик балансни ушлаб туриш имконини беради. Энг асосий ва муҳим омиллардан бири – бу экспорт салоҳиятининг ўсишидир. Экспорт салоҳиятининг ўсиши республика иқтисодий салоҳиятининг ва аҳоли турмуш даражасининг ўсишига тўғри мутаносибликдадир.

01.11.2018 йил ҳолатига кўра, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибида 1436та корхона бўлиб, 5та акционерлик жамиятлари, 74та қўшма корхона, 109та чет эл корхоналари, 1056та масъулияти чекланган жамиятлар, ҳамда 192та бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхона ва корхоналар фаолият олиб бормоқда. Шунини таъкидлаш керакки, қўшма корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлар саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 30%ини ташкил этади ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотларининг 88,1%и экспорт

килинади. Бугунги кунда Республикамиз энгил саноатида жами саноатда банд бўлган ходимларнинг 1/3 қисми фаолият олиб бормоқда, энгил саноат маҳсулотларининг салмоғи жами саноат маҳсулотига нисбатан 13,4%ни, истеъмол товарларига нисбатан 55%ни ташкил этади.

Республикамиз энгил саноати юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Агар 1991 йил Республикамизда етиштирилган пахта толасининг 7%и қайта ишланган бўлса, ҳозирги кунда энгил саноат корхоналари томонидан 45% пахта хомашёси қайта ишланмоқда. Республикамиз Президентининг 2687-сонли Қарорига биноан 2019 йил пахта толасини қайта ишлаш 76%га етказилади. Республикамизда етиштирилаётган пахта хомашёсининг 100%ини ўзимизда қайта ишлаб чиқариш, маҳсулот экспортини 2,5 марта, ишлаб чиқариш ҳажмини эса 3 марта оширишнинг устувор йўллари белгиланган.

2.1-жадвал

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарида 2015-2017 йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми динамикаси*

Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	2015 й.	2015 й.	2017 й.	2018 й.	2018 йил 2017 йилга нисбатан (%)
Пахта калава ипи	минг тонна	257,8	307,2	348,6	385,2	110,5
Тайёр ип газлама	млн. м ²	154,9	182,9	198,7	238,4	120,0
Ипак тола ипи	тонна	1016,4	1077,7	1230,1	1291,5	105,0
Трикотаж матоси	тонна	47700	53400	62800	69900	111,3
Трикотаж буюмлар	млн. дона	166,3	184,7	219,4	274,3	125,0
Пайпоқ маҳсулотлари	минг жуфт	29200	38900	46100	49300	106,9
Тикувчилик маҳсулотлари улгуржи нархларда	млн. сўм	28700	30800	37900	49300	130,0
Экспорт	млн. долл.	865,1	1050,1	1170,0	1350,0	115,4

*«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2015-2018 йй. йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарида 2015-2018 йилларда пахта хомашёсига ишлов бериш ҳажмида ўсиш тенденцияси кузатилди. 2015 йил 285 минг тонна пахта хомашёсига ишлов берилган бўлса, 2016 йил бу кўрсаткич 260 минг тонна, 2017 йил 420 минг тоннани ташкил этди, 2018 йил эса пахта хомашёсига ишлов бериш ҳажми 642 минг тоннага этди. 2018 йил ўсиш суръатлари 2017 йилга нисбатан 152,98%ни ташкил этди[7.4].

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни турлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, пахта калава ипини ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йил 257,8 минг тоннани, 2016 йил 307,2 минг тоннани, 2017 йил эса 348,6 минг тоннани ташкил этганини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, йигирув корхоналарида ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини ҳам таъкидлашимиз лозим. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси йигирув корхоналарида тадқиқ этилаётган даврда бу кўрсаткич мос равишда 66,1%, 73,1% ва 75,8%ни ташкил этди. 2018 йил пахта калава ипини ишлаб чиқариш ҳажмини 385,2 минг тоннага, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини эса, 81%га етказилди. 2018 йил пахта калава ипини ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилга нисбатан 110,5%ни, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси эса 107%ни ташкил этди.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги тўқув корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ип газлама ҳажмини таҳлил қиладиган бўлсак, 2015 йил 165 млн.п.м., 2016 йил 182,9 млн.п.м., 2017 йил эса 189,1 млн.п.м. ип газлама ишлаб чиқарилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 2016 йил 2015 йилга нисбатан 110,8%ни, 2017 йил 2016 йилга нисбатан эса 103,4%ни ташкил этган. 2018 йил 238,4 млн.п.м. ип газлама ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 120%ни ташкил этди. Шу билан бирга, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги тўқув корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан етарлича тўлиқ фойдаланилмаяпти[7.4].

Тармоқ корхоналарида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ

фойдаланиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ички имкониятлари мавжуд (2.2-жадвал).

2.2-жадвал

Тўқимачилик тармоқларида ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш динамикаси, %*

Тўқимачилик тармоқлари	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2018 йил 2017 йилга нисбатан (%)
Пахта толаси	50,7	76,1	77,3	80,0	103,5
Ип ишлаб чиқариш	66,1	73,1	75,8	81,0	106,9
Хом сурп ишлаб чиқариш	64,5	75,6	78,0	80,0	103,0
Тайёр ип газлама ишлаб чиқариш	64,2	77,5	80,1	83,0	103,8
Нотўқима материаллар ишлаб чиқариш	63,7	74,3	77,8	80,0	102,8
Трикотаж матоси ишлаб чиқариш	64,6	73,5	78,0	89,0	114,1
Трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш	63,4	69,1	80,4	90,0	119,4

*«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2015-2018 йй. йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

Тармоқдаги трикотаж корхоналари фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, 2016 йил трикотаж матоси ишлаб чиқариш ҳажми 49,4 минг тоннани ташкил этган бўлса, 2017 йил маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 53,4 минг тоннага етган, ўсиш суръатлари эса 108%ни ташкил этган. 2018 йил трикотаж матоси ишлаб чиқариш ҳажми 69,9 минг тоннага, ўсиш суръатлари эса 131%га оширилди. Бугунги кунда трикотаж тўқув корхоналарида ишлаб чиқариш қувватидан 78%га фойдаланиляпти, демак тармоқ корхоналарида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ички имкониятлари мавжуд.

Тармоқ корхоналарида, айниқса трикотаж-тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Агар 2016 йил 191,2 млн. дона трикотаж-тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йил 209,9 млн. донани, ўсиш суръатлари 110%ни ташкил этди. 2018 йил трикотаж-тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 274,3 млн. донага, ўсиш суръатлари эса 131%га оширилди. Бугунги кунда трикотаж-тикувчилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватидан 89%га фойдаланиляпти.

Халқимизни тайёр трикотаж-тикувчилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда пайпоқ маҳсулотларининг ўрни катта. Тармоқ корхоналарида 2016 йил 32,4 млн. жуфт, 2017 йил 38,9 млн. жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ўсиш суръатлари 120%ни ташкил этди. 2018 йил 57,6 млн. дона пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, ўсиш суръатлари 148%ни ташкил этди.

Юзага келаётган бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ҳар йили ўртача 18-20 фоизга оширилмоқда. Бу ички бозорнинг ўзимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик, трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари билан тўлиб-тошишига, шунингдек, аҳолини тармоқнинг арзон ва сифатли маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Пахтадан тайёрланадиган маҳсулотлар ассортиментининг кенгайиши ички бозорда импорт маҳсулоти билан барқарор рақобатни юзага келтиради.

2017 йил «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарида ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти ҳажми 3714,5 млрд. сўмни, шундан йиллик экспорт миқдори 1170,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Импортнинг ўрнини босувчи хомашё, материаллар ва истеъмол молларини 2017 йилда аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 118%га, ёки 473,0 млн. АҚШ долларидан ортиқ ишлаб чиқарилди. Республикамизда ишлаб чиқарилган енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилиш 1994 йилга нисбатан 25 марта ортди. Экспорт ҳажми умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотларга нисбатан 70,2%ни ташкил этди (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

2015-2018 йилларда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маҳсулотлари экспорт ҳажми динамикаси

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Экспорт ҳажми, млн. долл.	865,1	1050,1	1170,0	1350,0
Ўсиш суръатлари, %	100	121,4	111,4	115,5

*«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2015-2018 йй. йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

2000 - йиллардан бошлаб тўқимачилик, трикотаж-тикувчилик ва ипакчилик маҳсулотларининг экспортида янги давр бошланди. 90-йилларда Ўзбекистон енгил саноатида фақатгина пахта хомашёсини экспорт қилинган бўлса, Ўзбекистон дунё бозорида фақатгина пахта хомашёси эмас, балки тайёр тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини етказиб берувчи экспортёр сифатида танилиши учун ҳам кенг имкониятларимиз борлигини таъкидлашимиз зарур.

2.3–жадвалдан кўриниб турибдики, 2015-2018 йилларда тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспорти ҳажми 865,1 млн. долл.дан 1350,0 млн. долл.га ортди, ёки бошқача қилиб айтганда экспорт ҳажми 1,6 марта ортди. 2018 йил маҳсулотни экспорт қилиш ўсиш суръатлари 115,5%ни ташкил этди.

Маҳсулотнинг экспорт структурасини таҳлил қиладиган бўлсак, жами тўқимачилик саноат маҳсулотлари экспортида пахта калава ипининг улуши камайиб, ип газлама ва тайёр трикотаж-тикувчилик буюмлари улушининг ортиб бораётганини кўришимиз мумкин (2.4-жадвал).

2.4-жадвал

2015-2018 йилларда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси экспорт структураси*

Енгил саноат маҳсулотлари экспорти, %	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2018 йил 2017 йилга нисбатан (%)
Пахта калава ипи	58	50,4	44,2	38,5	87,1
Тайёр трикотаж-тикувчилик буюмлари	25	28,1	33,8	35,2	104,1
Ип газлама	7	9,5	15,5	19,6	125,6
Трикотаж матоси	5,2	5,6	4,2	5,5	130,9
Ипак ипи	2,8	1,9	1,0	1,2	120,0

*«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2015-2018 йй. йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

Агар 2015 йилда пахта калава ипининг енгил саноат маҳсулотлари экспорти ҳажмидаги улуши 58%ни ташкил этган бўлса, 2018 йил бу кўрсаткич 38,5%га тенг, тайёр трикотаж-тикувчилик буюмлари экспортининг салмоғи эса 25%дан 35,2%га, ип газлама экспорти эса 7%дан 19,6%га ортди.

Аммо, шунга қарамасдан Ўзбекистон экспорти ҳажмида ҳали ҳам етакчи ўринда пахта толаси экспорти турибди. Бироқ ҳозирда ҳаммага маълумки, республика тўқимачилик маҳсулотлари, ундан ҳам кўпроқ эса тайёр маҳсулотлар экспортдан кўпроқ фойда олиши мумкин.

Бу жадвалдан шуни англаш мумкинки, агар республикамиздан 1 тонна пахта толаси ўрнига тайёр маҳсулот экспорт қилинса, республикага валюта тушуми 3200 АҚШ долларига кўпроқ бўлар экан. Шу билан бирга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун қурилган корхоналарда қўшимча ишчи ўринлари ташкил қилинади. Бу эса ўз навбатида аҳоли орасида ишсизликнинг камайишини таъминлайди.

2.5-жадвал

Тўқимачилик саноати маҳсулотлари қўшимча қийматининг ўсиши 2018 йил учун*

Енгил саноат маҳсулотлари	Ҳажми	Қўшимча қиймат	Баҳо
Пахта толаси	1 кг	-	3,5 \$
Ип	0,88 кг	1,4 \$	4,9 \$
Тўқима	0,77 кг	0,2 \$	5,1 \$
Тайёр маҳсулот	3 дона	1,6 \$	6,7 \$

*«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2015-2018 йй. йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

Бу соҳада тикувчилик саноатини ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки, енгил саноатда фаолият кўрсатаётган турли хилдаги корхоналар орасида трикотаж-тикувчилик корхоналари салмоғи 45,1%ни ташкил этади.

2.6-жадвал

2015-2018 йилларда тўқимачилик саноат маҳсулотлари экспорти динамикаси*

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2018 йил 2017 йилга нисбатан (%)
Экспорт қилинаётган маҳсулотлар тури	22	24	27	32	118,5
Маҳсулот экспорт қилинаётган давлатлар сони	50	55	58	63	108,6
Экспортёр корхоналар сони	250	255	260	264	101,5

*«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2015-2018 йй. йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

Жамиятнинг маҳсулот экспорт қилиш жуғрофияси йил сайин кенгайиб бормоқда. 2018 йил жамият таркибига кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 63та давлатга, ЕИ ва МДХлари, шунингдек, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Ҳиндистон, БАА ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинди. Хусусан, экспорт ҳажми Туркияга – 8,3%ни, ЕИ мамлакатларига – 12,6%ни, Жанубий Кореяга – 14,1%ни, ХХРга – 5,4%ни, МДХларига – 61,0%ни, 3,6%и эса бошқаларга жўнатилди. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси қошида тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинг агентлиги ташкил этилган бўлиб, у жаҳон тўқимачилик саноат маҳсулотлари бозорларининг конъюнктурасини ўрганеди, талаб борасида юзага келган вазиятни таҳлил қилади, маҳсулотни экспорт қилиш йўналишлари, корхоналар томонидан нарх-наво сиёсатининг амалга оширилиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқади. Шунингдек, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларига хорижий истеъмолчилар билан алоқа ўрнатишга, ўзаро фойдали шартномалар тузишга кўмаклашади. Импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалаларига катта эътибор қаратилиб, ўзига қарашли корхоналар бўйича импорт таркиби пухта ўрганиб чиқилади. Жумладан, 2018 йилнинг январ-декабр ойларида 237,2 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот импорт қилиниб, шундан 99,4 млн. АҚШ доллари асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар улушига тўғри келди, бу импорт қилинган маҳсулотлар умумий ҳажмининг 67%ини ташкил қилди.

2.7-жадвал

2018 йилда тўқимачилик саноати маҳсулотларини экспорт қилиш географияси*

Импортер мамлакатлар	Экспорт қилинган маҳсулот ҳажми, минг АҚШ долл.	Нисбий ҳажми, %
Европа мамлакатлари	170112	12,6
Туркия	112057	8,3
Жанубий Корея	189013	14,1
МДХ	823560	61,0
Хитой	72905	5,4
Бошқа давлатлар	48604	3,6
Жами:	1350100	100

* «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2015-2018 йй. йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

Уюшмада импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалаларига катта эътибор қаратилиб, ўзига қарашли корхоналар бўйича импорт таркиби пухта ўрганиб чиқилади. Жумладан, 2018 йилнинг январ-декабр ойларида 165,6 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот импорт қилиниб, шундан 99,4 млн. АҚШ доллари асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар улушига тўғри келди, бу импорт қилинган маҳсулотлар умумий ҳажмининг 60%ини ташкил қилади.

Уюшмада, биргина 2018 йилда 12536та янги иш ўрни, шу жумладан, касаначиликни ташкил этиш ҳисобидан 1265та янги иш ўрни барпо этилди. Хомашё ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фаолият кўрсатиб турган ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини таъминлаш, меҳнат ва асбоб-ускуналар унумдорлигини ошириш, ноишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ҳисобидан маҳсулот таннархини белгиланган мақсадли параметрларга мувофиқ (яъни, 6,3 фоизга) пасайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. 2018 йилда ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида уюшма корхоналарида маҳсулотларнинг таннархини 17,1 млрд. сўм миқдоридан пасайтиришга эришилди.

Ҳозирги даврда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида меҳнат унумдорлигини ошириш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва кўшимча иш жойларини бунёд этиш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш, янги техника ва технологияни жорий этиш ҳисобига жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи меҳнат сарфини энг кўп талаб қиладиган тармоқлар қаторига киради. Тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги корхоналарни ташкил этиш кўплаб янги иш ўринларини яратиш орқали, аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш имкониятини беради. Тармоқ корхоналарида 2018 йил

корхоналарни модернизациялаш ва янги ишлаб чиқариш корхоналарини яратиш орқали қўшимча 12500тадан ортиқ янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Бу эса, халқимизни сифатли тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларига бўлган талабини янада тўлиқроқ қондириш, аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш, ҳамда уларнинг турмуш даражасини яхшилаш имкониятини беради.

Тўқимачилик саноатини ривожлантиришда Давлат инвестиция дастурларининг бажарилиши алоҳида аҳамиятга эга. 2016 йил Давлат инвестиция дастурлари асосида 179,4 млн. АҚШ долл. миқдорида инвестициялар жалб этилиб, шундан 101,5 млн. АҚШ долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этган бўлса, 2017 йил 117 млн. АҚШ долл. миқдорида инвестициялар жалб этилди. 2018 йилда эса, 117 млн. АҚШ долл. миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналари томонидан инвестицияларнинг ўзлаштирилиш динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, 2016 йил 173,8 млн. АҚШ долл. миқдорида, 2017 йили эса 183,8 млн. АҚШ долл. миқдорида инвестициялар ўзлаштирилган. 2018 йилда эса, 209 млн. АҚШ долл. миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилган.

Тўқимачилик саноати структурасига кирувчи тармоқлар бир-бирларидан нафақат ишлаб чиқараётган маҳсулотлари, балки бу тармоқ корхоналарида қўлланилаётган техника ва технология, хомашё, харажатлар ва бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ҳам кескин фарқ қилади.

Лекин шу фарқларга қарамасдан улар умумий тавсифларга эга:

- айланма маблағларнинг юқори айланиш тезлиги, бу шу тармоққа қўйилган маблағларнинг самарадорлигини таъминлайди;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг катта қисми истеъмол бозорига тўғридан-тўғри чиқади ва фақат бу маҳсулотларнинг бир қисмигина халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун хомашё бўлиб хизмат қилади;

- тўқимачилик саноати тармоқларида нисбатан қисқа муддат ичида

йиғилган капитал иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин;

- бу тармоқларда меҳнат қилаётган иш кучининг асосий қисмини аёллар ташкил қилади, бу эса саноат районларида демографик балансни ушлаб туриш имконини беради;

- тўқимачилик саноат корхоналари учун, асосан қайта ишловчи тармоқларнинг маҳсулотлари хомашё сифатида ишлатилади;

- тармоқ корхоналарининг аксарияти катталиги (ишловчилар сонига нисбатан) бўйича кичик ва ўрта корхоналар турига киради;

- ишлаб чиқариш воситалари, комплекс хомашё каби ишлаб чиқариш учун зарур нарсалар импорт қилинади.

Тўқимачилик саноати республикамиз иқтисодиётининг истиқболли тармоқларидан бири сифатида ўз ичига тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи бир нечта тармоқларни олади ва шу билан бир қаторда унда иш билан таъминланган аҳолининг каттагина қисми банд, бу ўз навбатида аҳолини иш билан таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Лекин шу билан бирга тўқимачилик саноати структурасининг талабга жавоб бермаслиги, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ва маҳсулот сифатининг пастлиги, тармоқнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишидаги номутаносибликлар унга ўзгартиришлар, янгиликлар киритишда комплекс ёндашувни талаб қилади. Бу тармоқ корхоналари фақат меҳнат сарфи катталиги билан эмас, балки ўзининг ишлаб чиқаришни жойлаштириш, филиаллар ва кичик корхоналар очиш борасида республикамизнинг деярли барча ҳудудларида эркин иш олиб борилиши билан ҳам эътиборга молик.

Тўқимачилик саноати корхоналарининг ривожланишини секинлаштираётган омилларга меҳнат унумдорлигининг пастлиги, мавжуд техника ва технологиялардан унумли фойдаланишнинг йўлга қўйилмагани, малакали ишчи ва ходимларнинг етишмаслиги ва мавжудларининг малакаси даражасининг пастлиги каби омилларни киритишимиз мумкин. Булардан ташқари, яна корхоналарга етказиб берилаётган хомашё ва материалларнинг

нархлари тайёр маҳсулотнинг нархларига қараганда тезроқ ўсиши ҳам саноатнинг ривожланишига ўз салбий таъсирини ўтказмоқда.

Шу боисдан ҳам, бу тўқимачилик саноатининг тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи барча тармоқларини ривожлантириш ва бунинг натижасида республика миқёси билан чегараланиб қолмай бу маҳсулотларни экспорт структурасида муқим жой эгаллашини таъминлаш ва бу экспорт ҳажмининг ўсишини таъминлаш нафақат тармоқ, балки республика миллий даромадининг ўсишига жуда катта таъсир қилади. Чунки, ҳозирнинг ўзида бу тармоқ, яъни тўқимачилик саноати республикаимиз ички миллий даромадининг 20%дан ортиқроқ миқдорини ишлаб чиқаради, унда банд аҳолининг 1/3 қисми меҳнат қилади, бундан ташқари ҳар хил йилларда тўқимачилик саноати давлат бюджетининг даромадлар қисмининг 25%дан 28%гача бўлган миқдорини ташкил қилган. Шундан кўриниб турибдики, тўқимачилик саноати ва ундаги тармоқларни ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини, рақобатбардошлигини ошириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш бевосита мамлакат миллий даромадининг ошишига ўз таъсирини кўрсатади.

Юқорида келтирилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳозирда тўқимачилик саноати Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида энг муҳим стратегик ва эътиборли ўринни эгалламоқда, жумладан, унга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда ва шу билан бирга саноатнинг 20% маҳсулотини етказиб берувчи, халқ истеъмоли моллари билан бевосита бозорга чиқувчи, аҳоли бандлиги юқори ва экспорт салоҳиятини юксалтирувчи тармоқ сифатида бу соҳа республика иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ўстиришда муҳим ўринни эгаллаши лозим.

2.2. Республикамиз энгил саноатида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ҳолатининг таҳлили

Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялаш шароитида қисқа муддатларда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ва ривожлантиришни рағбатлантиришга таъсир кўрсата оладиган омилларни аниқлаш ва уларни ишга солиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидандир. Кўп укладли бозор иқтисодийни шакллантиришда давлат бошқаруви ҳам муҳим ўрин тутди. Айнан давлат тузилмавий қайта қуришни амалга ошириши, тармоқлараро ҳамда минтақалар бўйича номуносибликларни ҳал қилиши, фан-техника тараққийини таъминлаши мумкин.

Ўзбекистонда инвестицион сиёсат ҳукумат томонидан амалга оширилиб, бир қатор расмий ҳужжатларга асосланади. Йил охирида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан янги йилга мўлжалланган инвестицион дастур тасдиқланади. Дастурда инвестицион сиёсатнинг устувор йўналишлари, иқтисоднинг барча тармоқлари ва секторлари доирасида амалга оширилиши мўлжалланган инвестицион лойиҳалар, уларнинг манбалари, амалга оширадиган асосий давлат ва нодавлат ташкилотлари аниқ кўрсатилади. Ҳар чоракда дастурни амалга оширилиши мониторинг тизими ишлаб чиқилади. Бу мониторинг, асосан Иқтисодий вазирлиги томонидан амалга оширилади. Хорижий инвестицияларнинг мониторингини Ташқи иқтисодий алоқалар инвестициялар ва савдо вазирлиги олиб боради.

Йиллик инвестицион дастурни шакллантиришда ҳукумат томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар, мақсадли дастурлар эътиборга олинади. Ўрта муддатга мўлжалланган инвестициялар сиёсатининг асосий йўналишлари давлат томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган иқтисод тармоқлари бўйича дастурларда ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги

“Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида лойиҳа ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №ПҚ-2831 сонли ҳамда 2017 йил 28 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги №ПҚ-3150 сонли Қарорига мувофиқ 2017-2020 йилларда “Ўзбекистон Республикасининг инвестицион дастури”да “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси га 1732,6 млн. долл. қийматга эга 124та лойиҳани ўзлаштириш белгиланган(2.8 -жадвал).

2.8-жадвал.

Тармоқни 2017-2020 йилларда ривожлантириш дастурининг асосий кўрсаткичлари*

Лойиҳалар сони	дона	124
жумладан – янги лойиҳалар - модернизациялаш	дона дона	111 13
Лойиҳаларнинг умумий қиймати	млрд. долл.	1 732,6
Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми	млрд. сум	3560,0
Экспорт салоҳияти	млн. долл.	700,0
Яратилган иш ўринлари	дона	20 415

*«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2015-2018 йй. йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

Енгил саноатни 2020 йилгача ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари қилиб, қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб олинди:

1-йўналиш. Енгил саноатни рақобатбардошлик имкониятларини ошириш, талаб ва истеъмол афзаллигини кучайтириш.

2- йўналиш. Ишлаб чиқаришни техник қайта жихозлаш ва модернизациялаш, намунали инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш.

3-йўналиш. Худудлар ва тармоқлар аро кооперацияни ривожлантириш, корхоналарнинг давлат буюртмаларни бажаришда ва мактаб формаларини тикиб беришда қатнашиши.

4-йўналиш. Ички бозорни ва ишлаб чиқарувчини яширин маҳсулот айланмасидан ҳимоя қилиш, маданий истеъмол маҳсулотлари бозорини ташкил этиш.

5-йўналиш. Енгил саноатни хом-ашё манбалари билан таъминлаш тизимини ривожлантириш.

6-йўналиш. Енгил саноатда меҳнат ресурслари бандлигининг самарали усуллари кучайтириш, ёш мутахассис ва ишчиларни жалб қилишнинг рағбатлантирувчи чораларини қўллаш [7.4].

Саноатни барқарор ривожлантириш, айниқса унинг асосий тармоқларидан бўлмиш тўқимачилик, енгил, машинасозлик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш келажақда инвестицион сиёсатнинг асосини ташкил қилади. Авваламбор, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ана шу тармоқларга жалб қилиш инвестицион фаолликни оширишда асосий ўрин эгаллайди. Сўнгги йилларда Республикада тўқимачилик саноатини ривожлантириш инвестицион дастурига мувофиқ бир қатор йирик ишлар амалга оширилмоқда.

Қўқон шаҳрида “Индорама” компанияси билан ҳамкорликда якуний ишлаб чиқариш шаклига эга бўлган тўқимачилик комплекси, шунингдек, умумий қуввати 30 минг тонна калава ишлаб чиқаришдан иборат бўлган яна бир қатор тўқимачилик комплекслари каби муҳим объектлар шулар жумласидандир. Индорама, Сингапур инвестиция лойиҳасига 55 млн. долл. жалб этилган бўлиб, 550 та иш ўринлари яратилди, экспорт ҳажми эса 32 млн. долларни ташкил этади[7.4].

Тошкент вилоятида ТТГ, Корея компанияси билан ҳамкорликдаги инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, жалб этилган инвестиция ҳажми 70 млн. долларни ташкил этди. Йилига 10 минг тн. калава ипидан тайёр газлама ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 1250 та янги иш ўринлари

ташқил этилади. Йиллик экспорт ҳажми 45 млн. долларни ташқил этади.

Тошкент шаҳрида БО Групп, Туркия компанияси билан ҳамкорликда йиғириш-тўқиш корхонасига лойиҳасига 17 млн. долл. жалб этилиб, йилига 5 минг тн. калава ипидан тайёр газламалар ишлаб чиқарилади. Бунда 300 та янги иш ўринлари яратилиб, йиллик экспорт ҳажми 10 млн. долларни ташқил этади.

Бухоро шаҳрида Санфлаг Групп, Буюк Британия компаниялари билан ҳамкорликда йиғириш, тўқиш ва тикувчилик корхонасига 53 млн. долл. инвестиция жалб этилиб, йилига 20 минг тн. толадан тайёр газлама ва тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарилади. Бунда 450 та янги иш ўринлари ташқил этилди[7.4].

Тошкент шаҳрида “РИТЕР Ўзбекистон-Швейцария” инвестиция лойиҳасига кўра тўқимачилик дастгоҳлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ташқил этишга 2,0 млн. долл. инвестиция жалб этилди.

2.9-жадвал

2015-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари дастурида кўзда тутилган лойиҳаларнинг умумий параметрлари*

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2018 йилгача яратилган ишлаб чиқариш кувватлари
1.	Ип-калава	минг тонна	345,9
2.	Ип, ипак газлама	млн. кв.м.	211,6
3.	Тўқимачилик мато	минг тонна	245,7
4.	Тикув-тўқимачилик маҳсулотлари	млн. дона	227,1
5.	Пайпоқ маҳсулотлари	млн. жуфт	72,5

*Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

2015-2018 йилларда тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари дастурида кўзда тутилган лойиҳалар ҳисобига ип-калава ишлаб чиқариш ҳажми 345,9 минг тоннага, ип, ипак газлама ишлаб чиқариш ҳажми 211,6 млн. кв.м.га, тўқимачилик мато ишлаб чиқариш 245,7 минг тоннага, тикув-тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми 227,1 млн. донага,

пайпоқ маҳсулотлари эса 72,5 млн. жуфтга ортди (2.9 -жадвал).

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш нафақат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, балки янги иш ўринларини яратиш ҳисобига аҳолини иш билан банд қилишдай ижтимоий муаммони ҳал қилишда ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Вилоятларда янги тўқимачилик корхоналарининг ташкил этилиши ҳисобига иш ўринларининг яратилиши Республикамиз вилоятларини ривожлантиришга, уларнинг ривожланиши даражасидаги номуносибликни маълум маънода камайтиришга, аҳолини иш билан таъминлаб, ишсизлар сонини қисқартиришга ёрдам беради(2.10-жадвал).

2.10-жадвал

Тўқимачилик саноатида 2015-2018 йилларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига янги иш ўринларининг яратилиши*

Вилоятлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Жами яратилган иш ўринлари
1. Қорақалпоғистон Р.	50	-	1450	1500
2. Андижон вилояти	300	-	1700	2000
3. Бухоро вилояти	600	35	2600	3235
4. Жиззах вилояти	200	-	1700	1900
5. Навоий вилояти	-	-	1400	1400
6. Наманган вилояти	800	735	890	2425
7. Самарқанд вилояти	278	350	1550	2178
8. Сирдарё вилояти	500	1113	1990	3603
9. Сурхондарё вилояти	-	-	1470	1470
10. Тошкент вилояти	871	1075	2050	3996
11. Фарғона вилояти	520	1362	1300	3182
12. Қашқадарё вилояти	-	-	1700	1700
13. Хоразм вилояти	210	50	2600	2860
14. Тошкент шаҳри	1270	485	1600	3355
Жами	5599	5205	24000	34804

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Ўзбекистон Республикаси енгил саноатининг бугунги кундаги ривожланиш даражаси унинг инвестицион жозибadorлигини ошириш, ишлаб

чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун кенг имкониятларга эга. Уларга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва сиёсий мўтадиллик, фан - техника, ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятнинг юқори даражадалиги, табиий хом ашё ресурслари мавжудлиги, етарлича юқори билимга ва малакага эга бўлган кўп сонли аҳолиси билан тавсифланадиган инсон ресурсларининг салоҳияти, инвестицион жозибадорлик ва қулай инвестицион муҳит чет эл инвесторлари ва маҳаллий тадбиркорлик субъектлари учун ҳуқуқий кафолат ва имтиёзларнинг кенг тизимининг мавжудлиги каби омилларни киритишимиз мумкин.

Бунда, Республикамиз учун ҳозирги кунда хорижий капитални жалб этиш масаласи билан бирга қуйидаги вазифаларни ҳам ҳал этиш жуда долзарбдир:

- экспорт фаолиятини кенгайтириш учун инфратузилмани яратиш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, илғор технологияларни тадбиқ этиш, табиий рақобат устунликларидан фойдаланиб, миллий иқтисод рақобатбардошлигини ошириш мақсадида телекоммуникация ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;

- саноат маҳсулотини экспорт қилишни рағбатлантириш ва валюта тушумларини кўпайтириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга бўлган саноат - экспорт зоналарини яратиш;

- хом ашё ресурсларини қайта ишлаб, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

- халқаро сифат, сертификациялаш, стандартларни тадбиқ этиш йўли билан ташқи ва ички бозорларда республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

- ишбилармон ҳамкорликнинг халқаро стандартларини ўзлаштириш йўли билан хўжалик юритиш ва бошқаришнинг замонавий усулларини тадбиқ этиш;

- трансмиллий компаниялар билан кооперация алоқаларини

ривожлантириш орқали, хусусан уларнинг ишлаб чиқариш занжирига кириш орқали маҳаллий иқтисодиётни жаҳон бозорига интеграциялаш;

- янги иш ўринларини яратиш, юқори малакали кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш.

Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириш механизмларидан бири бўлиб, махсус иқтисодий зоналар - мамлакатимизнинг аниқ чегаралар билан ажратилган майдони бўлиши мумкин.

Бу майдонларда иқтисодий фаолият хўжалик субъектлари томонидан маҳаллий қонунчиликда белгилангандан фарқ қиладиган, махсус божхона ва солиқ имтиёзлари ўрнатилган шароитларда фаолият олиб борадилар.

Бунда шуни таъкидлаш лозимки, махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш механизми турли имтиёзлар, жумладан самара бермайдиган имтиёзлардан фойдаланмасликни тақозо этади. Бундан ташқари, технологик жиҳозларни ва комплектловчи маҳсулотлар импортида божхона тўловларини тўлашдан озод қилувчи қўшимча имтиёзлар бериш ўрнига, эркин омборхоналар ва эркин божхона зоналарининг божхона тартибларидан фойдаланиш имконияти туғилади. Бу эса барча потенциал инвесторлар учун имтиёзларни ишлаб чиқариш ҳудудининг чекланган майдонида руҳсат этилган фаолият турларида қўллаш орқали стандартлаштиришга эришиш имконини беради.

Бундан ташқари, тиниқ меъёрий муҳит кўринишидаги қулай инвестицион муҳитни таъминлашга, маъмурий ва божхона муолажаларини соддалаштиришга қаратилган махсус иқтисодий зоналар хорижий хусусий инвесторларни, ишлаб чиқарувчиларни ўзларининг ишлаб чиқариш циклларининг айрим босқичларини Ўзбекистонга жойлаштиришни рағбатлантиришнинг самарали механизми бўлиши мумкин. Бунда корхоналарнинг зич жойлашиши ҳисобига инфратузилмани яратиш харажатларини қисқартиришга эришилади.

Республикамизнинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш йилига 5 млрд.

долл. хорижий инвестицияларни жалб этиш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади. Шу сабабли, Республикамизда юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат ишлаб чиқариш зоналарини яратиш хорижий инвесторларнинг инвестицион фаоллигини, энг аввало электротехника, машинасозлик ва автомобилсозлик, энгил саноат каби юқори технологик тармоқларда оширишини таъминлайди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида уюшма томонидан янги инвестицион стратегия ишлаб чиқилган бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни амалга оширилишини олади:

- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўринишидаги, тугалланган ишлаб чиқариш циклига эга бўлган янги лойиҳаларни, хорижий ҳамкорлар лойиҳа қийматининг 30%дан кам бўлмаган қисмини ўтказишлари шарти билан амалга ошириш;

- мавжуд тўқимачилик ва трикотаж-тикувчилик корхоналарини модернизациялаш ва техникавий қайта қуриш.

Бугунги кунда Ўзбекистон – Хитой давлатлари ўртасида тўқимачилик тармоғида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда. Хитой компаниялари иштирокида “Ўзбекенгилсаноат” АЖ томонидан умумий қиймати 36,0 млн. долларга тенг бўлган 9 та лойиҳани амалга оширилди.

- 3та лойиҳа йигирув ишлаб чиқаришида: умумий қуввати 15,5 минг тонна пахта калава ипи («Nanyang Red Cotton Angels» 18, 1 млн.долл., СП «Platinum Invest» 0,3 млн.долл., СП «TashRossTextill» 7,0 млн.долл.);

- 5 та лойиҳа ипакчилик тармоғида: умумий қуввати 350 тонна хом ипак (ИП «Hua Lu» 4,7 млн.долл., СП «Buxoro Brilliants Silk» 1,5 млн.долл., СП «Muborak Pure Silk» 0,5 млн.долл., СП «Inter Silk Pro» 1,95 млн.долл., СП «Ravnak Silk» 0,55 млн.долл.);

- 1та лойиҳа трикотаж тўқув ишлаб чиқаришини ташкил этиш бўйича: йиллик қуввати 12,0 млн. жуфт пайпоқ маҳсулотлари (ИП «China-UK CLLD» - 1,3 млн. долл.). 2013йил Хитой давлатига экспорт миқдори 100,2 млн. долл.ни ташкил этди[7.4].

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси томонидан инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг қуйидаги асосий устувор йўналишларини белгилаб беришимиз мумкин:

- 1) тайёр газламаларни ишлаб чиқариш (джинси газламаси, тукли сочиқбоп матолар, кўйлакбоп газламалар);
- 2) тайёр трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш;
- 3) тўқимачилик аксессуарлари :
 - зонтиklar, тугмачалар, молниялар ва бошқаларни ишлаб чиқариш;
- 4) тўқимачилик дастгоҳлари:
 - тўқув дастгоҳлари;
 - йигирув ишлаб чиқариши учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш.

Бу борада «Жиззах» Махсус Индустириал Зонасида амалга оширилаётган 5 та йирик инвестицион лойиҳаларни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни Ўзбекистон тўқимачилик саноатига жалб этиш бўйича амалга оширилаётган йирик, муҳим ишлардан деб қарашимиз мумкин[7.4].

1. №1 – инвестицион лойиҳа (тўқимачилик комплекси) – джинси газламаси ва джинсидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган тўқимачилик комплексини ташкил этиш:

- йиллик ишлаб чиқариш ҳажми: хом джинси газламаси 6,1 млн.п.м.; тайёр джинси газламаси 15,0 млн.п.м.; тайёр джинси маҳсулотлари 5,0 млн.дона;

- хомашё ресурслари билан таъминланганлиги: Республикада 1,0 млн.тоннадан ортиқ пахта толаси, 300 минг тонна пахта калава иплари ишлаб чиқарилади;

- лойиҳанинг қиймати 25,0 млн.долл.

2. №2 – инвестицион лойиҳа (тўқимачилик комплекси) – пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тўқимачилик комплексини ташкил этиш:

- йиллик ишлаб чиқариш ҳажми: 10 млн. жуфт пайпоқ маҳсулотлари;

- хомашё ресурслари билан таъминланганлиги: Республикада 1,0 млн.тоннадан ортиқ пахта толаси, 300 минг тонна пахта калава иплари

ишлаб чиқарилади;

- лойиҳанинг қиймати 3,5 млн.долл.

3. №3 – инвестицион лойиҳа (тўқимачилик комплекси) – тукли мато ва сочиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тўқимачилик комплексини ташкил этиш:

- йиллик ишлаб чиқариш ҳажми: тайёр такли мато 3000 тонна, тукли сочиқ маҳсулотлари 1,5 млн.дона;

- хомашё ресурслари билан таъминланганлиги: Республикада 1,0 млн.тоннадан ортиқ пахта толаси, 300 минг тонна пахта калава иплари ишлаб чиқарилади;

- лойиҳанинг қиймати 20 млн.долл.

4. №4 – инвестицион лойиҳа (тўқимачилик комплекси) – аралаш толали газлама ва ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган тўқимачилик комплексини ташкил этиш:

- йиллик ишлаб чиқариш ҳажми: хом аралаш толали газлама 8,1 млн.п.м.; тайёр аралаш толали газлама 20,0 млн.п.м.; тайёр маҳсулотлар 5,0 млн.дона;

- хомашё ресурслари билан таъминланганлиги: Республикада 1,0 млн.тоннадан ортиқ пахта толаси, 300 минг тонна пахта калава иплари ишлаб чиқарилади;

- лойиҳанинг қиймати 26,0 млн.долл.

5. №5 – инвестицион лойиҳа (тўқимачилик комплекси) – уй-рўзғор учун тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тўқимачилик комплексини ташкил этиш:

- йиллик ишлаб чиқариш ҳажми: 4,0 минг тонна пахта калава ипи, 10,0 млн.п.м. газлама, бўяш-пардозлаш 10,0 млн.п.м., Bad shits: 1 млн. комплект;

- хомашё ресурслари билан таъминланганлиги: Республикада 1,0 млн.тоннадан ортиқ пахта толаси, 300 минг тонна пахта калава иплари ишлаб чиқарилади;

- лойиҳанинг қиймати 20,0 млн.долл.

2017-2018 йилларда Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида “LT Textile International” ташаббуси билан қиймати 105 млн.долл. бўлган, 22 минг тонна аралаш толали ип, 5,0 млн.кв.м. аралаш толали газлама ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган тўқимачилик комплексини яратиш лойиҳалаштирилган. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши 800 та янги иш ўринларининг яратилишига ҳамда экспорт ҳажмини 60 млн.долл.га ошириш имконини беради.

“Uztex Group” АЖ томонидан 2016-2019 йилларда Тошкент вилоятида уй-рўзғорда ишлатиладиган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган, қиймати 65 млн.долл. бўлган, йилига 3,5 млн. комплект чойшаб маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилди. Инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши ҳисобига 750та янги иш ўринлари ташкил этилади, ҳамда тармоқнинг экспорт салоҳияти 45 млн.долл. га ортади.

“Ифтихор кийим саноат” МЧЖ томонидан 2016-2017 йилларда Наманган вилоятида джинси газламаси ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган, қиймати 8млн.долл. бўлган, йилига 12,0 млн. кв.м. джинси газламаси ишлаб чиқариш қувватига эга инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилган. Инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши ҳисобига 130та янги иш ўринлари ташкил этилади, ҳамда тармоқнинг экспорт салоҳияти 6 млн.долл. га ортади[7.4].

“ Elite Stars Textile” МЧЖ томонидан 2017 йил Хўжайли туманида ҳалқали йигирув машиналарида калава ипи ҳамда джинси газламаси ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган, қиймати 15 млн.долл. бўлган, йилига 4 минг тонна калава ипи ва 2 млн. кв.м. джинси газламаси ишлаб чиқариш қувватига эга инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилди. Инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши ҳисобига 500та янги иш ўринлари ташкил этилади, ҳамда тармоқнинг экспорт салоҳияти 6,5 млн.долл. га ортади.

Корея Республикаси томонидан тармоқни ривожлантиришга ёрдам йўналишида Тошкент шаҳрида 2017-2020 йилларда Тошкент тўқимачилик

ва энгил саноат институти базасида Тўқимачилик технопаркини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаси тузилган.

Лойиҳанинг қиймати 10млн.долл. бўлиб, технопарк тўқимачилик тармоғини жадал суръатларда ривожлантиришни таъминлаш мақсадида материалшунослик соҳасида тадқиқотлар олиб бориш, янги сифатли ишлаб чиқариш цикллари яратиш, ўзбекистонлик мутахассисларни замонавий технологияларда ишлашга техникавий ўргатишга имкон берадиган юқори технологик тажриба синов дастгоҳлари ва воситалари билан жиҳозланган. Бунда, Корея давлати томонидан технологик дастгоҳлар, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун зарур бўлган жиҳозлар олиб келинади ҳамда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, тадқиқотларни амалга ошириш ва ўргатиш учун матухассислар келади.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан тармоқни ривожлантириш бўйича қўйилган устувор вазифалар бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, сифатли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, мавжуд корхоналарни қайта жиҳозлаш, уларни қайта қуриш, эркин иқтисодий зоналар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида эратиладиган тўқимачилик комплексларини ташкил этишга асосланади.

2.3. Маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширишда мавжуд ресурслардан фойдаланиш ҳолати

Мамлакат иқтисодиёти ва хўжалик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсир этишнинг асосий воситаларидан бири - бу давлат иқтисодий сиёсатининг бўғинларидан ҳисобланувчи инвестиция сиёсатидир. Давлат инвестиция сиёсати ёрдамида бевосита ишлаб чиқариш ҳажми суръатларининг ошишига, фан-техника тараққиёти тезлашишига, ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишининг ўзгариши, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга таъсир ўтказа олади.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан инвестиция дастурига мувофиқ маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширишда мавжуд ресурслардан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш ва таҳлил натижаларига асосланган ҳолда стратегик бошқариш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Қуйидаги жадвалларда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан инвестиция дастурига мувофиқ амалга ошириладиган лойиҳаларни уларни молиялаштириш манбаларига кўра таҳлилини кўриб чиқамиз(2.11-жадвал).

2.11-жадвал.

Лойиҳаларни молиялаштириш манбалари (2017-2020 йй.)

Лойиҳаларни молиялаштириш манбалари (2017-2020 йй.)

млн. долл.

№	Кўрсаткичлар номи	Жами лойиҳалар		Шу жумладан молиялаш манбалари бўйича:			
		Сони	Қиймати	Ўз маблағлари	УзР давлати маблағлари	Тижорат банклар кредитлари	Чет эл инвестициялари ва кредитлари
	2017-2020 йилларда янги қувватларни яратиш ва мавжуд қувватларни техникавий ва технологик қайта қуролантириш инвестицион лойиҳалар	124	1732,6	238,2	210,2	337,3	947,0
	<i>Молиялаштириш манбаларининг сатмоси:</i>	%	100	13,7	12,1	19,5	54,7
1	Янги қурилиш	111	1671,3	229,3	210,2	513,5	928,5
2	Мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва модернизациялаш	13	61,3	8,9	-	34,0	18,5

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан 2017-2020 йилларда жами қиймати 1732,6 млн.долл.га тенг бўлган 124та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Мазкур лойиҳага кўра 111та янги корхоналарни барпо этиш, шунингдек 13та корхонани реконструкция қилиш ва модернизациялаш кўзда тутилган. Тадқиқот объекти қилиб олинган «Mega Line Textile» MChJ корхонасида ҳам мазкур лойиҳа доирасида корхонани

қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда[7.4].

«Mega Line Textile» МChJ корхонаси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги маълум салоҳиятга эга бўлган ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳисобланиб, унинг таркибига трикотаж тўқиш, бўяш-пардозлаш, трикотаж-тўқув цехлари ҳамда савдо шахобчаларини киради.

«Mega Line Textile» МЧЖ корхонаси ҳалқ истеъмол моллари, хом трикотаж матоси, тайёр трикотаж матоси ҳамда тайёр трикотаж-тикувчилик буюмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Республика шароитида бу тармоқни келажаги порлоқ ҳисобланади, чунки хом-ашё Республикада етарли етиштирилади, шу сабабли корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятлари мавжуд.

Корхонада маҳсулот турларини янгилаш, кенгайтириш борасида бозор талабига мувофиқ, узлуксиз иш олиб борилади. Бозорни ўрганиб кўйидагиларни хулоса қилиш мумкин, Европа бозорига кириш учун корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва улар жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган бўлиши керак, бу вазифани амалга ошириш учун корхонадаги мавжуд қувватларни қайта жиҳозлаш зарур бўлади, ҳамда янгича бошқариш усулларида фойдаланиш керак.

Корхона ишлаб чиқарган маҳсулотларини жадал равишда сотишга эришиш мақсадида тижорат бўлими фаолиятини бозор иқтисодига мос ҳолда қайта ташкил этилади. Ҳозирги кунда корхонада тижорат маркази мустақил ҳисоб рақами билан ташкил этилган бўлиб, тайёр маҳсулотни сотиш, корхонага керакли ёрдамчи материалларни сотиб олиш билан шуғулланади.

«Mega Line Textile» МЧЖ корхонасига 2017 йил август-ноябрь ойларида сифат менежменти тизимини жорий этиш бўйича тадқиқот ишларини олиб борилди, ҳамда ИСО 9001:2008 стандартлари жорий этилди.

2018 йил корхонада ишлаб чиқариш ҳажми мавжуд линиялар бўйича 750000 кг, янги линиялар бўйича эса 300000 кг ташкил этди .

2.12 - жадвал

«Mega Line Textile» МЧЖ корхонасининг ишлаб чиқариш ҳажми динамикаси*

Т/р	Ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичлари	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
1.	Мавжуд линияларда бажарилган жами бўяш-пардозлар ишлари ҳажми,кг	67500	681200	712500	750000
2.	Янги линияларда бажарилган жами бўяш-пардозлар ишлари ҳажми	270000	275000	285000	300000

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2018 йил корхонада мавжуд ишлаб чиқариш линиялари бўйича трикотаж матоларини тўқ рангларга фаол бўяш ҳажми 210000 кг, тўқ рангларга тўғридан-тўғри бўяш 157500 кг, гул босиш 142500 кг, тўғридан-тўғри ўртача ўртача бўяш 105000 кг, очик рангларга фаол бўяш ҳажми 90000кг, қайнатиш ишларининг ҳажми 30000 кг, оқартириш 150000 кг ни ташкил этди[7.4].

Янги ишлаб чиқариш линиялари бўйича 2018 йилда жами 300000 кг трикотаж матоларини бўяш-пардозлаш ишлари амалга оширилди. Бундатрикотаж матоларини тўқ рангларга фаол бўяш ҳажми 84000 кг, тўқ рангларга тўғридан-тўғри бўяш 63000 кг, гул босиш 57000 кг, тўғридан-тўғри ўртача ўртача бўяш 42000 кг, очик рангларга фаол бўяш ҳажми 36000кг, қайнатиш ишларининг ҳажми 12000 кг, оқартириш 6000 кг ни ташкил этди. Шу билан бирга, 2018 йилда корхонада 1050000 кг трикотаж матолари тўқиб чиқарилди.

2017 йил корхонага ИСО 9001:2008 стандартлари ўрнатилганидан сўнг, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсди, маҳсулотнинг сифати кўрсаткичлари яхшиланди,яроқсиз маҳсулотга сарфланадиган хомашё сарфи қисқарди. Оқибат натижада, корхонанинг молиявий ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларда ижобий ўзгаришлар тенденцияси кузатилди.

«Mega Line Textile» МЧЖ ининг ижтимоий- иқтисодий фаолияти таҳлилини амалга ошириш мураккаб ва изчил фаолиятдир. Иқтисодий таҳлилнинг асосий мазмуни иқтисодий қонунлардан фойдаланган ҳолда хўжаликларда, унинг тармоқлари ва таркибий бўлимларида самарадорликни ошириш мақсадида имкониятларни ахтариб топиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари аниқлашдир.

Корхонанинг фаолиятини таҳлил қилишда энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири – таққослаш усулидан фойдаланилди. Бу усулда сотилган (маҳсулотлар) товарлар, соф фойда, солиқ тўлангунгача бўлган фойда, асосий фондлар қиймати, капитал қўйилмалар, асосий фаолиятнинг фойдаси, молиявий фаолиятнинг даромадлари, молиявий фаолиятнинг харажатлари, умумий хўжалик фаолиятининг фойдаси, даромад солиғини тўлагунга қадар фойда, маъмурий харажатлар, ялпи фойда, фойдадан солиқ ва ажратмалар, давр харажатлари каби кўрсаткичлар ва ҳ.к бир неча иқтисодий кўрсаткичлардан ифодаланди.

2.13-жадвал

«Mega Line Textile» МЧЖ нинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари*

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2016	2017	2018
1.	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми	млн.сўм	28477	35426	47251
2.	Сотилган маҳсулотлар	млн.сўм	12690	25204	29729
3.	Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари	млн.сўм	19164	23480	28548
4.	Солиқ тўлангунгача бўлган фойда	млн.сўм	13196	23321	35254
5.	Соф фойда	млн.сўм	10740	20328	32935
6.	Асосий фондлар қиймати	млн.сўм	4975	5306	5985
7.	Капитал қўйилмалар	млн.сўм	38134	39603	31571
8.	Ишчи – ходимлар сони	киши	135	145	150
9.	Шу жумладан, саноат ишлаб чиқариш ходимлари	киши	120	130	135
10.	Ўртача иш хақи	сўм	210500	320700	484000

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

«Mega Line Textile» МЧЖ нинг асосий иқтисодий кўрсаткичларининг таҳлилидан кўриниб турибдики маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилда 28477млн. сўмни, 2017 йилда 35426млн. сўмни, 2018 йилда 47251 млн. сўмни ташкил қилган. 2018 йилда 2016 йилга нисбатан бу кўрсаткич 165,9%га ошган. Сотилган маҳсулотлар эса 2016 йилда 12690млн. сўмни, 2017 йилда 25204млн. сўмни, 2018 йилда 29729 млн. сўмлик суммани ташкил қилган. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи 2016 йилда 1916,4 млн. сўмни, 2017 йилда 2348,0 млн. сўмни, 2018 йилда 28548 млн. сўмни ташкил қилган. 2018йилда 2016йилга нисбатан бу кўрсаткич 148,9 %ни ташкил қилган. Солиқ тўлангунгача бўлган фойда 2018 йилда 35254 млн. сўмга кўтарилган, 2016 йилга нисбатан 267,1 %га ошган[7.4].

Жумладан, ҳақиқатда эришилган натижаларни жорий режа ёки келажақдаги режа топшириқлари билан, мажбуриятлар билан таққослаш; йиллик ёки даврий ҳисобот кўрсаткичларини ўтган йилги ёки даврий маълумотлар билан таққослаш, ўрганилаётган хўжалик кўрсаткичларини шунга ўхшаш бошқа хўжалик кўрсаткичлари билан таққослашдир. Таҳлил қилишда қўлланиладиган таққослаш усулининг мазкур шакллари корхона ва ташкилотларда товар айланиши режасининг бажарилишини таъминлаш, муомала харажатларини камайтириш ва шунинг ҳисобига рентабеллик даражасини ошириш имкониятларини топишга имкон беради.

2.14-жадвал

«Mega Line Textile» МЧЖ нинг даромадлар ва харажатлар баланси*

Кўрсаткичлар номи	2016	2017	2018
Сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи	2041,5	1502,5	1267,6
Сотишдан ялпи молиявий натижа	1455,7	1328,8	1004,1
Давр харажатлари,	147,2	112,8	209,4
Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	307,3	229,0	218,5
Асосий фондлар амортизатсияси	123,5	217,9	321,0
Солиқлар ва ажратмалар	364,9	293,5	226,6
Умумий молиявий натижа	1074,0	1032,8	693,9
Фойдани ошириш тадбирларини жорий этишдан самара	245,6	199,3	138,6

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Корхонанинг 3 йиллик даромадлар ва харажатлар баланси таҳлилини 2-жадвалдан кўриб чиқамиз. Сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш таннари 2016 йилда 2041,5 млн. сўмни, 2017 йилда 1502,5 млн. сўмни, 2018 йилда 1267,6 млн. сўмни ташкил қилган, 2016 йилга нисбатан 62,10 %га кўпайган. Сотишдан ялпи молиявий натижа 2016 йилда 1455,7 млн. сўмни, 2017 йилда 1328,8 млн. сўмни, 2018 йилда 1004,1 млн. сўмни ташкил қилган. 2018 йилда 2016йилга нисбатан бу кўрсаткич 68,98 %га ошган. Давр харажатлари 2018йилда 209,4 млн. сўмни таҳсил қилган, 2016 йилга нисбатан 142,2% га кўпайган Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 71,11 %га кўпайган. Асосий фондлар амортизатсияси 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 259% га ошган. Солиқлар ва ажратмалар эса 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 62,10%ни ташкил қилмоқда. Умумий молиявий натижа 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 64,61%га ошган. Фойдани ошириш тадбирларини жорий этишдан самара 2016 йилда 245,6 млн. сўмни, 2017йилда 199,3 млн. сўмни, 2018 йилда 138,6 млн. сўмни ташкил қилган.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, корхонанинг 3 йиллик даромадлар ва харажатлар баланси кўрсаткичлари йилдан йилга ошиб бормоқда, бунда корхона менежерининг ҳиссаси жуда катта деб ҳисоблаймиз. Корхона бошқарув тизимини янада яхши йўлга қўйиб, инновацион – инвестицион фаолиятни самарали бошқарувини олиб борилса, корхонада доим ижобий натижаларга эришади.

2-боб бўйича хулоса

Енгил саноат тармоғида инвестиция лойиҳаларини бошқариш ҳолатининг таҳлили бўйича қуйидагича хулосалар қилинди:

1.Тўқимачилик тармоғида ҳалқ истеъмولى товарлари ишлаб чиқарилиши сабабли, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда марказий ўринларда туради, бу эса ўз навбатида бозорларимиз катта бир қисмининг тўйинишидир. Бундан

ташқари, тармоқ республикани катта миқдордаги иш ўринлари билан таъминлайди, жумладан бу тармоқда асосан аёлларнинг банд бўлиши саноат районларида демографик балансни ушлаб туриш имконини беради.

2. Республикамиз енгил саноати юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Агар 1991 йил Республикамизда етиштирилган пахта толасининг 7%и қайта ишланган бўлса, ҳозирги кунда енгил саноат корхоналари томонидан 45% пахта хомашёси қайта ишланмоқда. Республикамиз Президентининг 2687-сонли Қарорига биноан 2019 йил пахта толасини қайта ишлаш 76%га етказилади.

3. Агар республикамиздан 1 тонна пахта толаси ўрнига тайёр маҳсулот экспорт қилинса, республикага валюта тушуми 3200 АҚШ долларига кўпроқ бўлар экан. Шу билан бирга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун қурилган корхоналарда қўшимча ишчи ўринлари ташкил қилинади. Бу эса ўз навбатида аҳоли орасида ишсизликнинг камайишини таъминлайди.

4. Бугунги кунда уюшмада импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалаларига катта эътибор қаратилиб, ўзига қаршли корхоналар бўйича импорт таркиби пухта ўрганиб чиқилади. Жумладан, 2018 йил 165,6 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот импорт қилиниб, шундан 99,4 млн. АҚШ доллари асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар улушига тўғри келди, бу импорт қилинган маҳсулотлар умумий ҳажмининг 60%ини ташкил қилади.

5. Ўзбекистон енгил саноатида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қисқа муддатларда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ва ривожлантиришни рағбатлантиришга таъсир кўрсата оладиган омилларни аниқлаш ва уларни ишга солиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидандир.

6. Тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи меҳнат сарфини энг кўп талаб қиладиган тармоқлар қаторига киради. Тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги корхоналарни ташкил этиш кўплаб янги иш ўринларини яратиш орқали, аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш имкониятини беради.

3- БОБ. “MEGA LINE TEXTILE” МЧЖДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Маҳаллийлаштириш асосида инвестиция лойиҳаларини такомиллаштиришнинг хусусиятлари

Йиллик инвестицион дастурни шакллантиришда ҳукумат томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар, мақсадли дастурлар эътиборга олинади. Ўрта муддатга мўлжалланган инвестициялар сиёсатининг асосий йўналишлари давлат томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган иқтисод тармоқлари бўйича дастурларда ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил декабрдаги №ПП-2687 сонли Қарорига мувофиқ «Тўқимачилик ва трикотаж-тикувчилик саноатини 2017-2019 йилларда янада ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури»га кўра, умумий қиймати 2,2 млрд. долл. бўлган, шундан 50%дан ортиғини хорижий инвестициялар ва кредитлар ташкил этадиган 132та инвестиция лойиҳаларини жалб этиш кўзда тутилган. Мазкур дастурга кўра, маҳаллий тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун, шунингдек хорижий инвесторлар учун ҳам берилган бир қатор имтиёзларнинг муддатлари узайтирилди, ҳамда янги имтиёзлар берилди[2.15].

Ҳозирги кунда мамлакатимизда инвестиция фаолияти Ўзбекистон Республикасининг инвестицион дастури доирасида амалга оширилмоқда. Бу эса ҳар йили ҳукумат қарорига асосан қайта кўриб чиқилади ва ҳушимчалар киритилади. Келгуси йилдаги инвестицион дастурни шаклланиши жорий йилнинг бошидан қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади.

- Вазирликлар ва жойлардаги ҳокимият органлари инвестицион таклифларни ишлаб чиқади.

- Вазирликлар ва жойлардаги ҳокимият органларининг инвестицион таклифлари келгуси йил давлат бюджетига олдиндан келишиш учун

иқтисодиёт вазирлигига, молия вазирлигига кўриб чиқиш учун берилади.

- Иқтисодиёт вазирлиги ҳамма келиб тушган инвестицион таклифларни маълумотлар базасига киритади ва уларни экспертиза хилади.

- Лойиҳаларни экспертиза қилгандан сўнг, иқтисодиёт вазирлиги давлатнинг биринчи даражали ва бошқа мезонларига асосан инвестицион таклифларни танлаб олади.

- Иқтисодиёт вазирлиги томонидан инвестицион дастўрнинг лойиҳаси ишлаб чиқилади ва келгуси йил давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун молия вазирлигига тақдим этади.

- Инвестицион дастурнинг лойиҳаси ҳукуматга тасдиқлаш учун киритилади. Инвестицион дастурга киритилган айрим лойиҳалар ўзининг мураккаблиги, таркиби ва ўлчами билан аниқ лойиҳа эмас, балки кўпроқ инвестиция дастурини ташкил қилмоқда. Бу эса ўз навбатида авваламбор лойиҳани амалга оширишда катта хатарни келтириб чиқармоқда, холаверса дархол катта маблағ солиқ мажбурияти билан чет эл инвестициясини жалб қилишни қийинлаштирмоқда.

Инвестиция лойиҳаларини тайёрлашни ўта муҳимлигини ҳисобга олиб, унинг ҳусусиятларини кўриб чиқамиз.

Инвестиция лойиҳаси корxonанинг мақсадлари таърифланадиган, асослаб бериладиган, уларга эришиш йўллари, амалга ошириш учун зарур маблағлар ва ишнинг пировард молиявий кўрсаткичлари аниқлаб қўйиладиган ҳужжатдир. Одатда бу лойиҳа бир неча йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилади ва йилма-йил режалаштирилади. Шу билан бирга биринчи йилга дойр маълумотлар ойма-ой, кейинги йилларга дойр маълумотлар эса бутун йил ҳисобида берилиши мумкин.

Умуман олганда, инвестиция лойиҳасининг амал қилиш муддати уни тузишдан кўзланган мақсадга боғлиқ бўлади. Асосий шарт шуки, режанинг муддати ё бир марталик лойиҳани тугал амалга ошириш учун ёки ишлаб чиқариш қуввати ва сотиш режалаштирилаётган даражага етиши учун,

солинган маблағлар ўзини қоплаш муддатини ва унинг рентабеллигини белгилаш учун етарли бўлиши керак.

Инвестиция лойиҳаларининг функционал вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхона мақсадларини аниқ таърифлаш, уларни амалга ошириш ва мақсадга эришишнинг конкрет миқдор кўрсаткичларини белгилаш;
- қуйилган мақсадларга эришишни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш, маркетинг ва ташкилий дастурларни ишлаб чиқиш; зарур молиялаш ҳажмларини ва унинг манбаларини аниқлаш; лойиҳани амалга оширишда дуч келиши мумкин бўлган хийинчиликлар ва муаммоларни аниқлаш; лойиҳанинг амалга оширилишини назорат қилиш тизимини ташкил этиш; лойиҳани молиялашга инвесторларни жалб этиш учун батафсил асосларни тайёрлаш[5.7].

Кўпинча асослашни энг муҳим вазифа деб ҳисоблашади, лекин аслида бундай эмас. Ишни юритиш билан боғлиқ бўлган энг муҳим ҳолат- менежментдир. Кўрсатиб утилган вазифаларнинг дастлабки бештасини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, хатто лойиҳада четдан капитал иштирок этиши назарда тутилмаган ҳолларда ҳам тадбиркор учун лойиҳа зарур бўлади. «Фирманинг фаолиятини бизнес-режа ёрдамида режалаштириш, биринчидан, фирма раҳбарлари зиммасидаги жавобгарликни ва айна вақтда уларнинг вазифаларини белгилаб қуйиш имконини беради; иккинчидан, ушбу раҳбарларни фирманинг истикболи билан шуғулланишга ҳамда мақсадларни ва уларга эришиш йўлларини янада аниқроқ белгилашга мажбур қилади; учинчидан, кейинги назорат учун фирма фаолиятининг зарур кўрсаткичларни белгилайди; туртинчидан, фирмани анча мослашувчан ва бозорда вазият бехосдан ўзгаришига тайёр қилиб қўяди»[4.10].

Ишлаб чиқариш лойиҳаларига инвестиция маблағлари солиш учун қулай муҳит яратилганидагина ислоҳатлар сезиларли натижалар бера бошлашига ҳеч қандай шубҳа йук. Ана шундагина сифатли инвестиция лойиҳаларини

(бизнес-режалар, техник-иқтисодий асосларни) ишлаб чиқиш қобилияти ҳар қандай корхона фаолиятининг зарур қисмига айланади.

Жаҳон амалиётида инвестиция лойиҳасининг тузилмасига қўйиладиган стандарт талаблар мавжуд. Шу билан бирга, конкрет лойиҳанинг мазмуни унинг спецификасига боғлиқ бўлиши мумкин. Бу специфика қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- лойиҳанинг қайси тармоққа мансублиги; корxonанинг катта-кичиклиги; лойиҳанинг асосий (стратегик) мақсади (мавжуд корxonани кенгайтириш ёки янги корхона барпо этиш); молиялаш шартлари (ташқи манбаларга эҳтиёж бор ёки йўқлиги).

Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялаш шароитида қисқа муддатларда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ва ривожлантиришни рағбатлантиришга таъсир кўрсата оладиган омилларни аниқлаш ва уларни ишга солиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидандир.

“Mega Line Textile” МЧЖ инвестицияларни бошқариш самарадорлиги тавсифлайдиган бўлсак ушбу корхонада инвесторни қизиқтирувчи хусусиятлар қуйидагилардир:

-корxonанинг ривожланиш даражаси, корхонадаги рақобатчилик характери;

-инвестициялар ва технологияларнинг корхонадаги аҳамияти;


-кейинги бир неча йил ичида корхонадаги умумий сотиш ҳажмлари;

-сўнгги йилларда корхонада пайдо бўлган янги маҳсулотлар;

-корxonанинг молиявий аҳволи.

Корхонада инвестициялар, асосан, ишлаб чиқариш ва янги технологияларни жорий этиш фондларига йўналтирилган. Иқтисодий ўсишга эришиш учун нафақат инвестиция хажмини кўпайтириш, балки улар йўналишини ва тузулмасини тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялаш учун шундай ишлаб чиқариш турларини танлаш зарурки, улар тезда ўзини қоплаб, юқори даражада иқтисодий самара бера олсинлар.

Бундай ҳолатда инвестициянинг тезда қайтарилиши ва қанчалик самарадорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу инвестицион жараёни жонлантириш учун туртки бериш, кейинчалик эса инвестициялаш учун афзал корхоналар ва хўжалик юритиш субъектларини танлашга имконият яратиш мумкин. Инвестицияларни молиялаштиришнинг қисқа муддатли сиёсати иқтисодий ўсишни таъминловчи йўналишлар аҳамиятини ҳисобга олиб, узоқ муддатга мўлжалланган стратегияга эга бўлиши лозим.



3.1-расм. “Mega Line Textile” МЧЖ да инвестицияларни жалб этиш хусусиятлари

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек марказлашган инвестициялар, асосан янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, мавжудларини қайта қуришга қаратилмоқда. Аммо шуни қайд қилиш лозимки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ҳар йили иқтисодий қайта тузилмавий ислоҳотларни ўтказиш бориб, халқаро меҳнат тақсимоти қулайликларидан кўпроқ фойдаланишга интилоқда ва қулай инвестиция муҳитини яратиш бермоқда.


Ҳозирги кунда “Mega Line Textile” МЧЖ таркиб топтириш шакллари (сабабларининг) уч туркумини ажратиш кўрсатиш мумкин: ички, ташқи ва стратегик. Ички сабаблар таваккалчилик ва ҳаражатларни биргаликда кўтаришни, инвестиция учун қулай тартиб бунёд этишни ҳамда

хом ашё ресурсларидан фойдаланишни осонлаштиришни кўзда тутди. Ҳозирги иқтисодий шароитда корхонанинг ички маблағлари иқтисодий ўсишни тўлиқ таъминлай олмайди:

- биринчидан, бу маблағлар инвестицион дастурлар учун жуда кам, бу эса ўз навбатида умумиқтисодий ўсишнинг чўзилишга олиб келади;

-иккинчидан, корхона ички маблағнинг капитал қўйилмалари молиялаштириш учун ишлаштирилиши ресурсларининг иқтисодиёт тармоқларига оқиб ўтишни қийинлаштиради. “Mega Line Textile” МЧЖ томонидан инвестицияларни қайси манбалар ҳисобида молиялаштириш устида бош котиришларига зарурият пайдо бўлмоқда. Бу эса кўпгина муҳим омилларни ҳисобга олишни тақозо этади. Иқтисодий омиллар (маблағлар олиш имконияти ва вақти, солиқлар олиниши ҳисоби билан молиялаш манбасининг суммаси, инвестицион лойиҳани амалга ошириш билан даромад миқдори, молиялаштириш манбасининг корхона барқарорлиги ва қувватлилигига таъсири ва ҳоказолар) ва корхона раҳбарияти, ҳиссадорлик ва кредиторлар манфаатлари ўртасида вужудга келадиган низо омиллари шулар жумласидандир.

“Mega Line Textile” МЧЖ қисқа вақт ичида ишлаб чиқариш ҳажмларининг барқарор ўсишини таъминлашида Республика ҳукумати ўтказаяётган инвестиция сиёсати катта рол ўйнамоқда.



3.1-расм “Mega Line Textile” МЧЖ да инвестицияларни молиялашнинг иқтисодий омиллари

Инвестиция фаолиятининг шарт-шароитларини белгилайдиган

конунларини ривожлантириш ва такомиллаштириш давом этмоқда. Улар инвестициялар ва экспортни янада рағбатлантиришга қаратилган. Шунга қарамай, нефт ва газни қайта ишлаб чиқарувчи корхоналарда инвестиция сиёсатини фаоллаштириш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалалар борки, уларни ҳам ҳал қилиш зарур.

“Mega Line Textile” МЧЖда инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- иқтисодиёт таркибий ўзгараётганда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қурулантириш ва модернизациялашни жадаллаштиришда хорижий капиталнинг фаол иштирок этилишини таъминлаш;

- Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодий тизимига кенг даражада интеграциялаш учун зарур бўлган шарт-шароитларга монанд корхонада ҳам уларни яратиш;

- ўзини ўзи валюта билан қоплашни таъминловчи ишлаб чиқариш лойиҳаларига йўналтирилган инвестицияларга кўмаклашиш;

- корхонанинг чет эл кредитларига лаёқатлилигини қўллаб-қувватлаш ҳамда юқори даражадаги кредит олувчи сифатидаги обрў-эътиборини таъминлаш;

- ижтимоий ва экологик дастурларни ҳал этишга йўналтирилган инвестицияларга кўмаклашиш.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш шароитида инвестициялар нафақат ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва янгилаш, балки янги ишлаб чиқариш ва корхоналарни яратишнинг муҳим омилига айланади. Шунга кўра, корхонага чет эл капиталини жалб этиш ва фойдаланиш ҳозирги босқичдаги инвестиция жараёнининг аҳамиятли қонунияти бўлиб ҳисобланади. Бунда хорижий инвестицияларни жалб этиш ижтимоий-иқтисодий самарадорлик, иқтисодий хавфсизлик, давлат таркибий ва такрор ишлаб чиқариш сиёсатининг ўзаро фойдалилиги ва устуворлигини қўллаб-қувватлаш тамойиллари асосида амалга ошиши зарур.

3.2. Минтақаларда енгил саноатга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг самарали муҳитини шакллантириш

Ўзбекистанда енгил саноатига хорижий инвесторлар сармояларини жалб қилишга қуйидаги шарт-шароитлар мавжуддир:

- чет эллик ҳамкорларни жалб этиш учун солиқ ва божхона имтиёзлари;
- сиёсий барқарорлик;
- қулай географик жойлашув;
- мамлакатнинг муҳим транспорт коридорлари туташувида жойлашган лиги;
- Марказий Осиёнинг марказида жойлашганлиги;
- минерал ресурслар ва қазилма бойликларга бойлиги;
- тасдиқланган резервлар 1,3 трлн. АҚШ долларига тенг;
- мамлакатнинг жами потенциал минерал ресурслари 3,5 трлн. АҚШ долларига тенг;
- инсон ресурслари:
- деярли 100 фоиз саводлилиқ даражаси;
- ишчи кучининг мавжудлиги.

Ҳозирда Ўзбекистон енгил саноатига жалб этилаётган чет эл инвестициялари кўлами минтақаларда мавжуд экспорт имкониятларига (табиий-иқтисодий, меҳнат ва ишлаб чиқариш салоҳиятлари) нисбатан анча паст даражада бўлмоқда. Маълумки, хорижий сармоядорлар нафақат мамлакатдаги ички сиёсий барқарорликни, балки қўшни давлатлардаги мавжуд ҳолатни ҳам алоҳида эътиборга олишади. Шу нуқтаи назардан қараганда 2017-2018 йилларда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни йўналтиришда мавжуд ташқи омиллар сезиларли даражада салбий таъсир қилади. 2017-2018 йиллар мобайнида ички ва ташқи сармоя манбаларини жалб этиш ҳисобига иқтисодий жихатдан этарли ривожланмаган минтақаларда ишлаб чиқариш ва

ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга эришилади[2.15].

Бу эса мавжуд ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлагани ҳолда, минтақаларга чет эл инвестицияларини янада кенг миқёсда ўзлаштиришга имкон беради. Пировардида барча минтақалар ўз экспорт имкониятларидан келиб чиққан ҳолда юқори сифатли, рақобатбардош ҳамда замонавий маҳсулотлар билан жаҳон бозордан муносиб ўрин ола бошлайди.

Хорижий инвестицияларни жалб этишга ҳудудий жиҳатдан ёндашув Республиканинг ҳар бир ҳудудининг ривожланишини таъминлашга имкон беради. Агарда хорижий инвестиция иштирокидаги корхона-Корақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Кашкадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, ҳамда Навоий ва Фарғона водийси вилоятларининг қишлоқ ҳудудларида бўлса, у ҳолда қуйидаги солиқлардан тўлиқ озод этилади:

- ягона солиқ тўлови;
- даромад (фойда солиғи);
- мулк солиғи;
- инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кескин фарқланишни олдини олиш борасида кўрилаётган чораларга қарамасдан, ҳудудий номутаносибликлар кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида экспорт-импорт операциялари ҳажмларида катта фарқланишни юзага келтирмоқда. Андижон, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳри экспорт даражаси барқарор юқори бўлган ҳудудларга киради. Мазкур 3 та ҳудудда хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган йирик машинасозлик, металлургия ва тўқимачилик тармоқлари корхоналари жойлашганлиги сабабли уларда республиканинг барча экспортининг 80 фоизи шакллантирилади.

Ҳозирги кунда ана шундай номутаносибликлар юзага келмаслиги учун ҳар бир вилоятнинг инвестиция киритилиши лозим бўлган иқтисодиёт

тармоқлари аниқланган. (3.2 -жадвал)

3.2-жадвал

Вилоятларнинг етакчи тармоқлари ва потенциал инвестиция таклифлари

Вилоятлар	Мавжуд етакчи ва илғор тармоқлар	Хорижий инвестиция киритилиши мулжалланган устувор тармоқлар
Андижон	Қишлоқ хўжалиги, автомобил саноати, машинасозлик, тўқимачилик, туризм	Тўқимачилик, Ипакчилик Кимё
Бухоро	Нефт ва газ, тўқимачилик, қурилиш материаллари, туризм	Тўқимачилик, қурилиш материаллари
Фарғона	Қишлоқ хўжалиги, нефт-газ, кимё (нефт кимёси), тўқимачилик, машинасозлик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, туризм	Тўқимачилик, Ипакчилик, Озиқ-овқат
Жиззах	Қишлоқ хўжалиги, кимё, машинасозлик	Қурилиш материаллари, озиқ-овқат, кимё, энергетика
Қорақалпоғистон	Энергетика, нефт кимёси, кимё, кон-металлургия	Тўқимачилик
Хоразм	Қишлоқ хўжалиги, енгил, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, машинасозлик, туризм	Тўқимачилик, гиламчилик
Наманган	Қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, тўқимачилик, машинасозлик.	Тўқимачилик, ипакчилик, қурилиш материали, озиқ-овқат
Навой	Кон-металлургия, кимё, қурилиш материаллари, машинасозлик, тўқимачилик	Кимё, қурилиш материаллари, энергетика, тўқимачилик
Самарқанд	Қишлоқ хўжалиги, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, тўқимачилик. машинасозлик, қурилиш материаллари	Тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё
Сирдарё	Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат. тўқимачилик, енгил саноат, туризм	Тўқимачилик, мебел, фармацевтика, энергетика
Сурхондарё	Қишлоқ хўжалиги, нефт ва газ, қурилиш материаллари, енгил саноат, озиқ-овқат,	Тўқимачилик, озиқ-овқат, тоғ-кон саноати
Тошкент шаҳри	Тўқимачилик, енгил, кимё, фармацевтика, қурилиш материаллари, туризм, озиқ-овқат, машинасозлик	Электротехника, машинасозлик, тўқимачилик, қурилиш, кимё, фармацевтика
Тошкент вилояти	Енгил саноат, рангли металллар, қурилиш материаллари, кимё, ёқилги-энергетика	Озиқ-овқат, кимё, рангли металлургия, тоғ-кон, энергетика, фармацевтика
Қашқадарё	Қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, нефт-газ, қурилиш материаллари, машинасозлик, енгил саноат	Тўқимачилик, озиқ-овқат тоғ-кон саноати

Ушбу дастурда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар ўз ифодасини топган.

Мазкур кенг кўламли дастурни амалга ошириш учун мамлакатимизда сўнгги йилларда жиддий тайёргарлик кўриб келинмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бу жараёни янада жадаллаштиришда туртки бериб, уни ҳар томонлама тезлаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги ривожланиш даражаси унинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун кенг имкониятларга эга. Уларга биринчи навбатда қуйидагилар киради:

- иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва сиёсий мўтадиллик;
- фан - техника, ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятнинг юқори даражадалиги;
- ноёб табиий ва табиий - хом ашё ресурслари захираларининг катта миқдорда мавжудлиги;
- етарлича юқори билимга ва малакага эга бўлган кўп сонли аҳолиси билан тавсифланадиган инсон ресурсларининг салоҳияти;
- инвестицион жозибadorлик ва қулай инвестицион муҳит чет эл инвесторлари ва маҳаллий тадбиркорлик субъектлари учун ҳуқуқий кафолат ва имтиёзларнинг кенг тизими;
- минтақанинг энергетик ва транспорт тизимининг марказида қулай географик жойлашув, самарали фаолият олиб борадиган, тармоқланган транспорт инфратузилмасининг мавжудлиги, халқаро савдо марказларига чиқа олиш ва иқтисодиёти тез ривожланаётган мамлакатларнинг йирик бозорларига яқинлик;
- бой маънавий, маданий - тарихий мерос;

- марказий Осиё регионида Ўзбекистоннинг кўпчилик давлатлар иқтисодий ва сиёсий мақсадларининг тўқнашиш объекти сифатидаги фаол иштироки.

Бунда, Республикамиз учун ҳозирги кунда хорижий капитални жалб этиш масаласи билан бирга, қуйидаги вазифаларни ҳам ҳал этиш жуда долзарбдир:

- экспорт фаолиятини кенгайтириш учун инфратузилмани яратиш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, илғор технологияларни тадбиқ этиш, табиий рақобат устунликларидан фойдаланиб, миллий иқтисод рақобатбардошлигини ошириш мақсадида телекоммуникация ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;

- саноат маҳсулотини экспорт қилишни рағбатлантириш ва валюта тушумларини кўпайтириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга бўлган саноат - экспорт зоналарини яратиш;

- хом ашё ресурсларини қайта ишлаб, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

- халқаро сифат, сертификациялаш, стандартларни тадбиқ этиш йўли билан ташқи ва ички бозорларда республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

- ишбилармон ҳамкорликнинг халқаро стандартларини ўзлаштириш йўли билан хўжалик юритиш ва бошқаришнинг замонавий усулларини тадбиқ этиш;

- трансмиллий компаниялар билан кооперация алоқаларини ривожлантириш орқали, хусусан уларнинг ишлаб чиқариш занжирига кириш орқали маҳаллий иқтисодиётни жаҳон бозорига интеграциялаш;

- янги иш ўринларини яратиш, юқори малакали кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш.

Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириш механизмларидан бири бўлиб, махсус

иқтисодий зоналар - мамлакатимизнинг аниқ чегаралар билан ажратилган майдони бўлиши мумкин.

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини ва умуман, иқтисодийни бошқариш механизмлари орасида солиқ ва божхона бошқаруви алоҳида ўрин тутди. Улар биргаликда корхоналарнинг самарали фаолият олиб бориши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар рақобатбардошлигининг ортиши, рақобат муҳити, ҳамда инвестицион муҳитнинг асосий устқурмасини яратадилар.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан тармоқни ривожлантириш бўйича кўйилган устувор вазифалар бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, сифатли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, мавжуд корхоналарни қайта жиҳозлаш, уларни қайта қуриш, эркин иқтисодий зоналар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида яратиладиган тўқимачилик комплексларини ташкил этишга асосланади.

Ушбу мақсаднинг рўёбга чиқишига қуйидаги вазифаларни ечиш орқали эришиш мумкин: технопарклар, технополислар, юқори технологик кластерлар, янги юқори технологияларни ривожлантириш минтақаларини, техник - иқтисодий ривожланишни, инновацион минтақаларни, агросаноат паркларини, сервис хизматларини, ишлаб чиқаришни жадал суръатларда ривожлантиришни, илғор техника ва технологияни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришни, янги технологик асосда иқтисодий ўсишни тезлаштиришни ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлигини ошириш учун янги иш ўринларини яратишга имкон берадиган меъёрий ҳуқуқий базани такомиллаштириш керак.

Фан - техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланиш асосида янгиликларни мунтазам равишда ва кенг миқёсда тадбиқ этиш жараёнларини шакллантиришга катта эътибор қаратилиши керак. Бундай ҳолатда илмий салоҳият энг қимматли ресурс эканлигидан келиб чиқиш зарур. У ўз моҳиятига кўра ноёб ресурс, ёки унга эгалик қилиш келгусида меҳнат

таксимотида етакчи ўринни, рақобат курашида ҳал қилувчи устунликларга эга бўлиш имкониятини беради.

3-боб бўйича хулоса

“Mega Line Textile” МЧЖда инвестиция лойиҳаларини бошқаришни такомиллаштириш йўллари тадқиқ этиш асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Йиллик инвестицион дастурни шакллантиришда ҳукумат томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар, мақсадли дастурлар эътиборга олинади. Ўрта муддатга мўлжалланган инвестициялар сиёсатининг асосий йўналишлари давлат томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган иқтисод тармоқлари бўйича дастурларда ўз аксини топади.

2. Жаҳон амалиётида инвестиция лойиҳасининг тузилмасига қўйиладиган стандарт талаблари мавжуд. Шу билан бирга, конкрет лойиҳанинг мазмуни унинг спецификасига боғлиқ бўлиши мумкин.

3. “Mega Line Textile” МЧЖ инвестицияларни бошқариш самарадорлиги тавсифлайдиган бўлсак, ушбу корхонада инвесторни қизиқтирувчи хусусиятлар қуйидагилардир:

-корxonанинг ривожланиш даражаси, корхонадаги рақобатчилик характери;

-инвестициялар ва технологияларнинг корхонадаги аҳамияти;

-кейинги бир неча йил ичида корхонадаги умумий сотиш ҳажмлари;

-сўнгги йилларда корхонада пайдо бўлган янги маҳсулотлар;

-корxonанинг молиявий аҳволи.

4. Корхонада инвестициялар, асосан, ишлаб чиқариш ва янги технологияларни жорий этиш фондларига йўналтирилган. Иқтисодий ўсишга эришиш учун нафақат инвестиция хажмини кўпайтириш, балки уларнинг йўналишини ва тузулмасини тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялаш учун шундай ишлаб чиқариш турларини танлаш зарурки, улар тезда ўзини қоплаб, юқори даражада иқтисодий самара бера

олсинлар.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, хорижий инвестициялар капитални қулайроқ қилиб жойлаштириш ва у эгасига қайтиб келгунга қадар нисбатан узоқ муддат давомида ундан фойда кўриш мақсадида экспорт қилувчи мамлакатларнинг капитал қабул қилувчи мамлакатлар реал ва молиявий активларига қўйилишини билдирган ҳолда, бир иқтисодиётдан иккинчисига ўтаётган капитал оқимини кўрсатади.

Хорижий инвестицияларнинг кескин фарқи уларни мамлакатлараро кўчиши, фақат ўз мақсадини кўзлаши, амал қилиш шароитларининг ўзгариши, анча қулай шартлар билан қўйилиши, ишонч қозониши ҳисобланади.

Глобаллашиш кучайиши туфайли бутун дунё бўйлаб, қисқа муддатларда капитал, ишлаб чиқариш, товарлар, интеллектуал салоҳият, меҳнат ресурслари, ахборотлар ва бошқаларнинг кўчиш жараёни жадаллашади. Шунинг учун ҳам, инвестиция сиёсатини юритишда бу вазиятларни ҳисобга олиш зарур бўлади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистонга кириб келиши, қисқа вақт ичида, мулкчиликнинг турли шаклларини ташкил топишига кўмаклашди, Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий қайта қуришни, нуфузли тармоқларни барпо этилишини таъминлайди. Энг муҳими, Ўзбекистон иқтисодиётининг байналминаллашишини ва Ўзбекистоннинг халқаро бозорга ўз маҳсулотларини олиб чиқишини ва у ерда ўз ўрнига эга бўлишини таъминлайди. Бунинг оқибатида экспорт ҳажмининг ўсиши ва республикамизнинг тўлов баланси тобора ижобийлашишига эришилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида ҳудудларда инвестицияларни самарали бошқаришнинг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, ҳудудлар иқтисодиётига инвестицияларни йўналтиришда илмий асосланган ҳолда иш тутиш, капитал сармояларнинг

кайтишини жадаллаштириш, инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлик жиҳатларига эътибор қаратиш ҳамда инвестиция маблағларининг тармоқ ва соҳа тақсимотига оид илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳимдир.

“Mega Line Textile” МЧЖ да инвестицияларни жалб қилиш ва уларни бошқариш жараёнида барча омилларни ҳисобга олиш лозим. Фикримизча, инвестицияларни бошқариш бу қабул қилинган стратегия асосида инвестицион фаолиятни доимий равишда амалга ошириш ва ресурслар билан таъминланганлик устидан инвесторларнинг (давлат, корхона, хорижий сармоядор, фуқаро) назоратидир.

“Mega Line Textile” МЧЖ нинг инвестицион фаолиятини стратегик бошқарувининг муҳим функцияси бу – корхона инвестицион стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бунда инвестиция фаолият йўлида узок муддатли мақсадларни шакллантириш тушунилади ва бунда энг самарали инвестицион фаолиятга эришиш кўзда тутилади.

“Mega Line Textile” МЧЖ да инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизациялашни жадаллаштиришда хорижий капиталнинг фаол иштирок этилишини таъминлаш;

- Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодий тизимига кенг даражада интеграциялаш учун зарур бўлган шарт-шароитларга монанд корхонада ҳам уларни яратиш;

- ўзини ўзи валюта билан қоплашни таъминловчи ишлаб чиқариш лойиҳаларига йўналтирилган инвестицияларга кўмаклашиш;

- корхонанинг чет эл кредитларига лаёқатлилигини қўллаб-қувватлаш ҳамда юқори даражадаги кредит олувчи сифатидаги обрў-эътиборини таъминлаш;

- ижтимоий ва экологик дастурларни ҳал этишга йўналтирилган инвестицияларга кўмаклашиш.

“Mega Line Textile” МЧЖ да инвестиция ресурсларини шаклантириш стратегиясини ишлаб чиқиш корхонанинг нафақат инвестицион фаолиятининг унсури балки, энг муҳим молиявий стратегиясининг унсури ҳам ҳисобланади.

“Mega Line Textile” МЧЖнинг инвестиция стратегияларини амалга ошириш жараёнида уларнинг аниқ мақсадларини ва стратегик вазифаларини белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиш жараёнида ташқи ва ички омилларни бир-бирига мослаштирилади. Ташқи омиллар худуд фирмаларининг стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни кўзда тутуди, шунингдек инвестиция бозори конъюктураси ўзгаришларини башоратлайди. Ички омиллар инвестициялашнинг алоҳида йўналишларини амалга оширишни кўзда тутуди, шунингдек, бу жараёнда инвестиция ресурслари шаклантирилади.

Юқоридагилардан келиб чиқган ҳолда шуни айтиш мумкинки, “Mega Line Textile” МЧЖнинг ҳам бар қатор муоммоларини ҳал қилишда инвестицион стратегиясини ривожланиши катта аҳамиятга эга. “Mega Line Textile” МЧЖ яқин йиллар ичида ўсиш суратларининг жадаллашуви кутилмоқда. Чунки, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва албатта, инвестицион лойиҳаларга эътибор қаратиши алоҳида аҳамиятга лойиқдир.

Бугунги кунда Республикамиз тўқимачилик саноати корхоналари олдида турган асосий муаммолар қуйидагилардан иборат:

- инвестиция инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги – банклар, инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;

- тадбиркорларнинг бизнес кўникмалари, шу жумладан инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги;

- инвестиция таклифлари ва лойиҳа техник-иқтисодий асосларининг сифатли ишлаб чиқилмаганлиги;

- лойиҳа ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий аҳволи оғирлиги – инвестиция дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий аҳволини маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чуқур таҳлил қилинмаётгани;

- маҳаллий ҳокимликларнинг хорижий инвесторларни ҳудуд тўғрисида батафсил маълумотлар билан таъминлашда фаол эмаслиги;

- тўқимачилик корхоналарида хом ашё сотиб олишга айланма маблағларнинг етишмаслиги - корxonанинг молиявий-иқтисодий аҳволини ўрганиб чиқиб, уни молиявий соғломлаштириш, қарзларини рестуртуризация қилиш бўйича ҳамкорлик қилиш орқали экспорт салоҳиятини оширишга амалий ёрдам кўрсатиш керак;

- инфратузилмага оид муаммолар, жумладан корхоналарнинг электр энергияси билан мунтазам таъминланмаётганлиги ёки ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар борлиги – экспортёр корхоналарни узлуксиз равишда электр энергияси ва ёқилғи билан таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- технология ва асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг стандартларга жавоб бермаслиги ва рақобатбардош эмаслиги;

- корхоналарда маркетинг хизматининг тўғри ташкил қилинмаганлиги, товар ишлаб чиқарувчиларнинг чет эл бозорлари, ишлаб чиқарувчилари ва харидорлар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланмаганлиги, корхоналарда маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар билимининг паст даражада эканлиги.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида ҳудудларда ва корхоналарда маҳаллийлаштириш лойиҳалари асосида инвестицияларни самарали бошқариш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги 1998 йил 24 декабрдаги Қонуни.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрдаги Қонуни. //”Солиқлар ва божхона хабарлари” газетаси, 2004 йил 10 февраль.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари ва Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 31.01.2017й. ПҚ-2746 сонли Қарори.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 01.02.2017 ПҚ-2750 сонли Қарори.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик тадбиркорликни ривожлантириш кафолат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 10.02.2017й. ПҚ-2768 сонли Қарори.
- 2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорларнинг ишлаб

чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 23.02.2017й. ПҚ-2796 сонли Қарори.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисидаги 14.03.2017й. ПҚ-2830 сонли Қарори.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида лойиҳа ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 14.03.2017й. ПҚ-2831 сонли Қарори.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикаси иқтисодиёт вазирлиги ҳудудий бошқармалари фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 16.03.2017й. ПҚ-2840 сонли Қарори.

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада содалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 17.03.2017й. ПҚ-284435 сонли Қарори.

2.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3351-сон Қарори.

2.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида” 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3437-сон Қарори.

2.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 феврал ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”.

2.17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. - Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

2.19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги 2018 йил 22 январь 5308- сонли фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

3.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзияевнинг 2018 йилнинг асосий якунлари ва 2017 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи" газетаси, Т. 2017й.

3.2. Ш.М.Мирзиёев «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз» Т.: Ўзбекистон, 2017 й.

3.3.Ш.М.Мирзиёев «Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» Т.: Ўзбекистон, 2017 й.

3.4. Ш.М.Мирзиёев «Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз» Т.: Ўзбекистон, 2017 й.

3.5. Ш.М.Мирзиёев «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак» Т.: Ўзбекистон, 2017 й.

IV. Асосий адабиётлар

4.1. Басовский Л.Е., Басовская Е.Н. Экономическая оценка инвестиций: Учебное пособие / НИЦ Инфра-М, 2014.

4.2. Бэґьюли Ф. Управление проектами. М.Гранд: Фаир Пресс, 2012.

4.3. Герчикова И.Н. Менеджмент: Учебник. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2016.

4.4. Дорофеев В.Д., Шмелева А.Н. "Инновационный менеджмент" Учебное пособие для вузов. М.: "Феникс", 2016.

4.5. Дафт Р. Менеджмент. 6-е изд./ Пер с англ. – СПб.: Питер,2007.

- 4.6. Жумаев О., Рахматуллаева Н. Менежмент ва маркетинг асослари” Ўқув кўлланма.”Иқтисод-молия” 2015.
- 4.7. Игониная Л.Л. Инвестиции: Учебник/Л.Л.Игониная .-2-е изд. Перераб. И доп. –М.: Магистр:НИЦ Инфра-М, 2013.752с.
- 4.8. Ильина О.Н. Методология управления проектами: становление, современное состояние и развитие: Монография / -М.: Межвузовский учебник: НИЦ Инфра-М, 2015
- 4.9. Йўлдошев Н.Қ., Набоков В.И. Менежмент назарияси . Дарслик. ТДИУ, Т.: 2013.
- 4.10. Йўлдошев Н.Қ., ЮсуповС.Ш. Менежмент асослари ва бизнес режа. Дарслик. “Фан ва технология”, Т.: 2018.
- 4.11. Липсиц И.В. Инвестиционный анализ. Подготовка и оценка инвестиций в реальные активы: Учебник/ -М.: НИЦ Инфра –М, 2014.-320с.
- 4.12. Магомедов Ш.Ш., Беспалова Г.Е. Управление качеством продукции. Учебник.-М.: “Дашков и Ко” 2018г.
- 4.13. Непомнящий Е.Г. «Экономическая оценка инвестиций» Учебное пособие. Таганрог 2015.
- 4.14. Хамидулин М.Б. Управление инвестиционными проектами. Электронный учебник. Филиал РЭУ им. Плеханова, 2014.

V. Қўшимча адабиётлар

- 5.1. Беренс В., Хавранек П. «Руководство по оценке эффективности инвестиций» М: Интерэкспорт, 2017.
- 5.2. Ваҳобов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. “Хорижий инвестициялар”-Т “Молия”, 2018 й.
- 5.3. Виготский Л.С. Психологические исследования.–М., 2016.
- 5.4. Зи Б., Алекс К., Алан М.. Принципы инвестиций, 4-е издание: Пер с англ. «Вильямс», 2017. – 984 с.
- 5.6. Ильина О.Н. Методология управления проектами: становление, современное состояние и развитие: Монография / -М.: Межвузовский учебник: НИЦ Инфра-М, 2017.

- 5.7. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов / Абрамешин А.Е., Воронина Т.П., Молчанова О.П., Тихонова Е.А., Шленов Ю.В.; Под редакцией д-ра экон. наук, проф. О.П. Молчановой. - М.: Вита-Пресс, 2001. - 272 с.
- 5.8. Кравченко А.И. История менеджмента: Учебное пособие для вузов. – 7-е изд. – М.: Академический Проект; Альма Матер, 2017.
- 5.9. Махаматоева М.Ю., Фихтнер О.А., Григорьева О.В. Механизм реализации стратегии инновационного развития. Вестник ПсковГУ. Серия «Экономические и технические науки». 4/2014.
- 5.10. Мильнер Б.З. “Инновационное развитие: Экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями.” Инфра-М, 2018
- 5.11 . Мухамедьяров А.М. Инновационный менеджмент: Учеб. пособие. — 2-е изд. — М.: ИНФРА-М, 2008. — 176 с.
- 5.12. Паршутич ОюА., Филитович А.В., Сергеюк В.С. Инновационный потенциал как фактор устойчивого развития региона. Белорусия.: Научный результат: т.3, №2, 2017
- 5.13. Рашидов О.Ю. “Инвестицион лойихаларни молиялаштириш”. – Т.: ТДИУ, 2007.
- 5.14. Сафин Р.Ф., Соколова О.Н. Процесс формирования стратегии инновационного развития производственного предприятия. Вестник Алтайского государственного аграрного университета №1(75), 2011.
- 5.15. Управление инновациями. Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2017.
- 5.16. Фатхутдинов Р.А. Стратегический менеджмент– М.: АО «Бизнес-школа «Интел-Синтез», 2017.
- 5.14. Царев В.В. Оценка экономической эффективности инвестиций. – СПб.: Питер, 2017. - 482 с.
- 5.17. Шевчук Д.А. Организация и финансирование инвестиций. Ростов н/Д.: Феникс, 2017. – 272 с.
- 5.18. Шодиев Р.Х. “Жаҳон иқтисодиёти”. – Т.: “Ғофур Ғулом”, 2016.

5.19. Ўзбекистон – иқтисодийни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Фафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2017. – 126 б.

5.20. Юлдашев Н.К., Набоков В.И., Некрасов К.В. Перспективы инновационного развития сельского хозяйства Республики Узбекистан. Московский экономический журнал №4 2018.

5.21. Қосимова Д.С. “Менежмент назарияси”. Дарслик. Т.: 2013.

5.22. О.М.Хотяшева. Инновационный менеджмент: Учеб. пособие. — 2-е изд. – М.: СПб.: Питер, 2016. – 384с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

6.1. Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2017 йил, 4-сон.

6.2. Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2017 й., 5-сон.

6.3. Чет эл инвестицияларини жалб этишнинг истиқболли йўналишлари. //Ҳамкор. Uz. 2018, № 17.

6.4. Ҳикматов А. Иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш ва инвестиция сиёсати. // Бозор пул ва кредит журн. 2018. №6. 49-40 б.

6.5. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2019.

6.6. World Economic Outlook. IMF

6.7. UNIDO Industrial Development Report

6.8. IMF. World Economic Outlook

VII. Интернет сайтлари

7.1 www.gov.uz-Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали

7.2. www.stat.uz.- Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси

7.3. www.lex.uz-Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

7.4. “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси 2015-2018 йил ҳисоботлари.